VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

16 (388) ● 2016 йил 27 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонун самарали парламент назоратини амалга оширишга хизмат қилади

Ўтган йилда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" тадбирларида 40 мингга яқин йигит-қиз жалб этилди

Тошкент вилоятида 1991 йилга нисбатан ННТлар сони 56 бараварга, сўнгги тўрт йил ичида эса 55 фоизга кўпайган

Ўзбекистон – Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон – Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

> 2-бет.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури — амалда

ЎзА сурати

Соғлом оила – мустаҳкам жамият асоси

Инсонни оиладан, оилани жамиятдан айрича тасаввур этиш қийин. Оила фарзандларни тарбиялаш ва келажаги учун масъулдир. Зеро, инсон табиати ва дунёқарашидаги барча яхши хислатлар, аввало, оилада куртак ёзади.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оила институтига, оиланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Обод ва осойишта турмуш ғоясини қўллаб-қувватлаётган хотин-қизлар ҳамжиҳатликнинг асосий тарғиботчиси ва фаолларидир. Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши азалий қадриятларимиздан бўлган оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол фарзанд тарбиясига масъул хотин-қизларнинг давлат ва жамият барқарорлиги, юрт тараққиётини юксалтириш жараёнида фаоллигини оширишга хизмат қилади.

> 5-бет.

Ушбу сонда:

Тил билганга – дунё кенг

бунда замонавий педагогика ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарали воситадир

> 4-бет.

Жанубий Корея парламенти

унда ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизими асосида тўрт йил муддатга сайланадиган 300 депутат фаолият юритади

> 7-бет.

Миллий матоларимиз

замонавий либослар кўринишида

> 8-бет.

Миллий ғурур

Спорт – орзуларга қанот

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ақлу заковати, куч ва салоҳияти билан Ватан равнақига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб улғайиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Бугун Ватан шаъни учун майдонга чиқиб, Ўзбекистоннинг юксак спорт салоҳиятини бутун дунёга тан олдираётган спортчиларимиз буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга қодир, ҳар томонлама етук ёшлар камолга етаётганини исботламоқда.

Яқинда Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасида спортчиларимиз 5 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Улар орасида ҳамюртимиз Ёдгорой Мирзаева мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

> 6-бет.

Муносабат

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир. Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган.

Кексалар эъзозимизда

Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам ўтганлар хотирасини ёд этиш, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалдаги ифодасидир.

Ота-боболаримизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Гарчи, орадан 71 йил вақт ўтган бўлса-да, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу урушнинг аччиқ изтиробларини халқимиз ҳамон унутгани йўқ. Президентимиз таъкидлаганидек, фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиий.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

Битта сессияда иккита масала

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан киритилган ҳар икки масала юзасидан халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши қарор қабул қилди

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг 2015 йилги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатларимиз фаолияти танқидий таҳлил қилинган эди. Тўғри, депутатларнинг жорий йил биринчи чоракдаги фаолияти ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда, деярли барча йўналишда ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Аммо бугунги давр депутатлардан янада ташаббускорликни, ўз фаолиятини тубдан кучайтиришни тақозо этаётгани ҳам сир эмас.

Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари 2016 йилнинг биринчи чораги давомида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 37 депутатлик сўровини амалга оширди. Бу 2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 17 тага кўп. Шунингдек, депутатларимиз ташаббуси билан 24 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Бу ҳам ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда анча салмоқли. Жорий йилда партия электорати манфаатларига доир 6 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилди. Демак, ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилдагидан 5 тага ошган. 2015 йили халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига партия гуруҳимиз — "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонуннинг вилоятдаги ижроси тўғрисидаги масалани олиб чиққан.

> 4-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
16 (388) 2016 йил 27 апрель, чоршанба

Ўзбекистон – Россия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идораларо алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. "Матиз", "Нексия" каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги "Ravon Gentra" савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклики ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент – Москва – Тошкент.

Муносабат

Кексалар эъзозимизда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи урушда иштирок этган. Яъни, ёш гўдак ва болаларни, қария ва аёлларни ҳисобга олмаганда халқимизнинг салкам 50 фоизи жанг майдонларида қатнашган. Яна миллионлаб инсонлар фронт ортида машаққатли меҳнат қилган. Бошқача айтганда, юртимизда бирорта хонадон йўқки, мана шу мудҳиш урушнинг жабрини ўз бошидан ўтказмаган бўлса?!

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1999 йилдан буён мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланаётгани ғалабага муносиб ҳисса қўшган ота-боболаримизни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, урушда тинчлик учун жон фидо этган ҳамюртларимиз хотирасини муқаддас билишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, осуда, саодатли кунларга нуроний отахон ва онахонларнинг матонати ва жасорати туфайли эришилган. Табаррук бу инсонларни ҳар қанча ардоқласак, уларга таъзим этсак оз.

Шу маънода Президентимизнинг фармони уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни қадрлаш борасидаги эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Фармонга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг моддий рағбатлантирилиши, пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши белгиланди.

Бугун мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 2 мингдан зиёдни ташкил қилмоқда. Уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, "Нуроний" жамғармаси, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ижтимоий тузилмалар кенг миқёсли ишларни амалга оширмоқда. Юртимиздаги соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида улар ҳолидан хабар олиниб, зарур тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Қолаверса, фахрийларимизга санаторий ва сиҳатгоҳларда дам олишлари учун барча шароит яратилмоқда.

Ёшлар ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни айнан қарияларимиздан ўрганади. Шу боис Ўзбекистон "Милий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда фракцияси, партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигида кексалар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ёшлар иштирокида икки авлод учрашувларини ташкил этади. Бугунги ахборот хуружи авж олаётган бир пайтда ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, бугунги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етишда нуроний отахонларимизнинг ҳаётий ўгитлари муҳим аҳамиятга эга. Бундай юзма-юз учрашув ва давра суҳбатлари навқирон авлодни халқпарвар, меҳнатсевар, аждодлардан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Иноят ҲОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ибрат мактаби

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг дам олиши, соғлиғини тиклаши учун барча имконият ва шароит мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилашга қаратилган ишларнинг яна бир амалий ифодасидир.

Кўҳнақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган қуйи бўғинда ҳам кексаларни эъзозлаш, доимий равишда уларнинг ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган. Яқинда Наврўз умумхалқ байрами арафасида ҳудудимизда яшаётган ўнга яқин боқувчисини йўқотган якка-ёлғиз қариялар, ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди. Бу бир тарафдан кексаларга хурсандчилик бағишлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг. Зотан, партия кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик каби оилавий анъаналарни жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи, деб ҳисоблайди. Шу боис қуйи бўғин ташкил этаётган ҳар бир тадбирга кўпни кўрган отахону, онахонлар таклиф этилаётир. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган "Кексалар эъзозимизда" тадбирида давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Тадбирда таъкидланганидек, фармонда жойларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказиш, уларни моддий рағбатлантириш, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш каби вазифаларнинг белгиланганги мамлакатимизда кексаларга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Кўҳнақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган бошланғич партия ташкилоти "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси туман бўлимлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Жорий йилнинг ўтган даврида ўзаро ҳамкорликда бир қанча давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди. Тадбирларда кўпни кўрган кексаларнинг ҳаёт тажрибаси, мустақилликдан олдинги ҳаёт, айниқса, уруш ва ундан кейинги оғир йиллар машаққатлари билан бугунги дориломон кунлар теран қиёсланган ҳаётий ҳикоялари тингланди. Бу каби тадбирлар ёшлар учун ҳам ибрат мактаби бўлаётир, ота-боболаримиз орзу қилган истиқлол осонликча қўлга киритилмаганини англаб етиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Манзура РАЖАБОВА,
Кармана тумани Кўҳнақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги БПТ етакчиси

Фракция ҳаёти

Демократик ислоҳотлар жараёнидаги фаоллик

дастурий вазифалар ижросини таъминлайди

Бугун демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида парламентнинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун бу саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янги қонун билан парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти, назорат субъекти сифатидаги вазифалари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларидаги иштироки янада мустаҳкамланди. Бу эса сиёсий партиялар фракцияларидан ташаббускорликни, партиявий мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги жараёнида партия позициясидан келиб чиқиб ёндашишни, электорат манфаатларини илгари суришда фаоллик кўрсатишни тақозо этади.

ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бугунги куннинг шу каби талаблари ва партиянинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишчанлик руҳида ўтди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отамуратов бошқарди.

Таъкидланганидек, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва Давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жойларда ўрганиш ишларини олиб бориши, парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланиб, соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган айрим камчиликларни бартараф этишда фаол иштирок этиши лозим.

Йиғилишда шу каби вазифалар асосида фракциянинг жорий йил иккинчи чорак учун белгиланган чора-тадбирлар режаси муҳокама қилинди. "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун талаблари ва давлатимиз раҳбарининг жорий йил Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди. Партия сайловолди Платформасининг иқтисодий йўналишдаги мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш учун иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни изчил давом эттириш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар, маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали саноатни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш лозимлиги таъкидланди.

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонун фракция фаолиятини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришга кўмаклашиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳондаги иқтисодий ва индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши жараёнида фаол иштирок этади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — Партия сайловолди Платформасида белгиланган қатор устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, тўпланган маълумотларни таҳлил этиб, парламент эшитувларини ташкил қилиш, шу асосда соҳа ва тармоқларнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг кенг кўламли дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида"ги ахбороти эшитувини ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП фракцияси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Тўхтабоев ахборот берди. Таъкидланганидек, фракция масъул бўлган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "электрон ҳукумат"ни жорий этиш ва ривожлантириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди, халқаро тажриба ўрганилди. Парламент эшитувини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, фракция ташаббуси билан 2015 йилда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси ўрганилди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида конференция ўтказилди. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари мазкур эшитувнинг ўтказилиши "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг амалиётда тўлиқ ишлашига, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Шунингдек, аҳолининг ахборот олиш имкониятларини янада кенгайтириш, жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда парламент назоратининг бу шакли муҳим ўрин тутиши эътироф этилди. Депутатлар мазкур эшитув ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ахборот таъминоти соҳасидаги қатор мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этишини қайд этиб, тақдим этиладиган ахборотга танқидий-таҳлилий нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ёшлари

“Тарихдан садо берувчи обод гўшалар”

акцияси ёшларни Ватанга муҳаббат, она юртга садоқат, аждодларимиз шонли тарихидан фахрланиш, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга ундамоқда

Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий қадамжоларни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бой маданий меросимизни пухта ўрганиш ва кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этаётир. ЎзМТДП ташкилотлари ташкил этаётган “Тарихдан садо берувчи обод гўшалар” акцияси ҳам ана шундай мақсадга йўналтирилган.

Партия Тошкент вилояти кенгаши, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ва Амир Темур хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида Паркент туманидаги “Заркент ота” зиёратгоҳида ташкил этилган акцияда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, “Ёшлар қаноти” фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Ватанимиз — дунё тамаддуни ва маданиятининг энг қадимий бешикларидан биридир, — деди акция иштирокчиси Махфират Мирзараҳмонова. — Ўзбекистон Республикасининг “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни юртимиздаги ноёб тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда асосий ҳужжат ҳисобланади. Ёшларга юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самаралари, қадим маданиятимиз ҳақида маълумот бериш мақсадида ташкил этилаётган бундай тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда эътироф этилганидек, мамлакатимизда айнан истиқлол шарофати билан тарихий обида ва ёдгорликлар обод бўлди, уларни ўрганиш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Акция иштирокчилари ҳам ушбу зиёратгоҳларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига ҳисса қўшди. Гул ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Партия сайловолди Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, уларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш белгиланган, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Азиз Сатторов. — “Тарихдан садо берувчи обод гўшалар” акцияси ёшларнинг тарихимизга оид билимларини ошириш билан бирга йигит-қизларни эзгу анъаналаримизнинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишга кўмаклашмоқда.

“Тарихдан садо берувчи обод гўшалар” акцияси Шофиркон туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда партия туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жамғармаси туман бўлимлари мутасаддилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Туманимиздаги Хўжа Ориф зиёратгоҳига нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки хорижлик сайёҳлар ҳам тез-тез ташриф буюради, — дейди ЎзМТДП Шофиркон туман кенгаши раиси ўринбосари Сано Усмонов. — Бу ерда Бухородаги етти пирдан бири — ар-Ревгарийнинг қабри жойлашган. Шу боис, зиёратгоҳнинг тарихини, ар-Ревгарийнинг ҳаёт йўлини ўрганиш ғоятда муҳим. Тадбирда иштирок этган олимларнинг ар-Ревгарийнинг миллий маданиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маърузаси ёшларнинг билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шунингдек, тадбир доирасида “Яхшидан боғ қолур” шиори остида ободонлаштириш ишлари, “Ҳар бир ёшга бир нихол” шиори остида гул кўчати ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда “Ҳашар — ёшларга яраша” шиори остида кенг кўламли ҳашар ташкил этилди.

Акция доирасида истиқлол йилларида зиёратгоҳда олиб борилган кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Хусусан, қадамжонинг устунлари ва пештоқида шарқона услубда, нозик дид билан ишланган нақшлар, зиёратгоҳнинг олд ва орқа томонларидаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари алоҳида эътироф этилди. Тадбирда иштирок этган отахонлар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли барча соҳалар изчил тараққий этаётгани, бу азиз наъматни асраш, қадрлаш ёшларнинг фарзандлик бурчи эканини таъкидлади.

Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Эрганакли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Хўжа Ҳофиз Меросий зиёратгоҳида бўлиб ўтган ёшлар акцияси ҳам навқирон авлод вакилларининг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг тарихга оид билимларини мустаҳкамлашга қаратилган.

— Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир, — дейди тадбир иштирокчиси Абдумажид Тўхтаев. — Бу шаҳар, инчунун, улуғ бобокалонимиз Амир Темур салтанатининг пойтахти ҳам бўлган. Бугун бутун дунё ҳавас қиладиган меморий ёдгорликлар, тарихий масканлар, обидалар айнан Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида қад ростлаган. Истиқлол шарофати билан улуғ бобокалонимиз бошлаб берган бунёдкорлик ишлари янгича руҳда, замонавий кўринишда янада ривожланди. Тарихий обидалар қайта тикланиб, халқимизнинг маънавий бойлигига айланди. Бугун акция бўлиб ўтаётган зиёратгоҳ ҳам муқаддас қадамжоларимиздан.

Тадбирда мазкур тарихий обиданинг пайдо бўлиш тарихи, унинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Акция доирасида зиёратгоҳда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Жойларда ташкил этилаётган бу каби тадбирлар ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантириш, уларни ўзлигимиз, ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи, маънавий мероси билан янада яқиндан таништиришга имкон яратмоқда. Тадбирларда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида кенг маълумот берилаётгани навқирон авлод вакилларининг Ватанга муҳаббат, она юртга садоқат, юртнинг эртасига дахлдорлик туйғулари билан улғайишига, тинчлик-осойишталикни қадрлаб яшашга ундамоқда.

Ҳасан САЛОМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ватан тақдирига дахлдорлик

партия Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” форумининг бош мавзусига айланди

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун қулай имконият ва шароитлар яратилган. Бунинг натижасида йилдан-йилга ёшларнинг қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошмоқда, ўзига бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Юртимиз ёшлари илм-фан, техника, маданият ва спорт йўналишларида ўз иқтидорларини тўлиқ намоён этаётир. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланаётир. Бу, айниқса, ЎзМТДП ташкилотлари “Ёшлар қаноти” ўтказаётган форумларда яққол намоён бўлмоқда. Партия Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” форумида шу хусусда сўз борди.

— Навқирон авлодни Ватанни севиш, мустақилликни асраш, халқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсати йўналишидаги устувор вазифасидир, — дейди партия Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Нозима Ҳамроқулова. — Тадбирларимиз ёшларни ана шундай руҳда камол топтириш, келажагимиз эгаларининг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш, улар маънавиятига таъсир этиши мумкин бўлган “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан асраш, навқирон авлодда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилмоқда. Уларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассис-экспертларининг таклиф этилаётгани ёшларнинг мавзуга бўлган қизиқишлари, билим ва кўникмаларини янада оширмоқда.

Таъкидлаш керак, “Ёшлар қаноти” тадбирларида бугунги мураккаб замонда ҳушёрлик ва огоҳликни янада кучайтириш, ёшларда миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни камол топтириш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Шунингдек, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, ўз қатъий позициясига ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга **“Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?”** деган эзгу ният билан ўзлари танлаган соҳада комилликка интилишни ҳаётининг мазмуни деб билувчи инсонлар этиб тарбиялаш тадбирлар бош мавзуси ва асосий мақсадига айланган. Ўтган йилда “Ёшлар қаноти” 430га яқин ана шундай тадбир ташкил этиб, уларга қарийб 38 минг йигит-қиз жалб қилинди. “Буюк аждодлар мероси — ёшлар нигоҳида”, “Буюк алломалар маънавий мероси — бебаҳо бойлигимиз”, “Биз ёшлар: “Оммавий маданият” ва мафкуравий таҳдидларга қаршимиз!” каби тадбирлар Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, “Тарихдан садо берувчи обод гўшалар” акцияси, “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” кўрик-танлови, “Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори” лойиҳаси доирасидаги мақолалар танлови иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлаётир. Уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Гулноза МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши
етакчи мутахассиси

Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз

Таъсирчан тадбирлар салмоғи янада ортади

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, яратувчанлик, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимизда эришилаётган бундай ютуқлар, ҳаётимиздаги юксалишлар Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик меваси дир. Шу боис, осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилоят ҳамда Термиз шаҳар кенгашлари “Ёшлар қаноти” ҳамкорлигида “Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз” мавзусида ташкил этилган тадбирда шу хусусда сўз борди. Унда партиянинг вилоят ва шаҳар кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, ёшлар, журналистлар иштирок этди.

— Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун Ватанимиз дунё билан бўйлашмоқда, — деди ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойқулов. — Жамият ҳаётидаги барқарорлик, тинч ва осойишта ҳаёт, демократик ўзгаришлар, оқилона ички-ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлангани эришаётган улкан ютуқларимизга асос бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида тинч-осойишта ҳаётни ҳимоя қилиш, бугун дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик, терроризм, экстремизм хавфи кучайиб бораётганидан ташвиш билдириб, барчамизни огоҳликка даъват этиши бежиз эмас. Чунки бугунги глобаллашув ёшлар онги ва дунёқарашига кўрсатаётган салбий оқибатларидан кўз юмиб бўлмайди. Ватанимизнинг порлоқ келажагини белгилаб берувчи ўғил-қизларимизни бу каби таҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли ёт ғояларга қарши уларда маънавий иммунитетни шакллантиришга кўмаклашиш партиямиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Таъкидланганидек, тинч-осойишта ва барқарор ҳаёт ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бунинг учун барчамиз курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз, ҳамиша сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимиз зарур.

— Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этмоқда, — деди ЎзМТДП вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Раъно Худойқулова. — Бу жараёнда партия фаоллари таркибида, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай бўлгач, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам ким курашади, деган даъват билан яшаш барчамизнинг, аввалламбор, ёшларимизнинг бурчига айланмоғи лозим.

Тадбирда турли мафкуравий таҳдидлар, ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

О. АЛИМАРДОНОВА

Хроника

Ўзаро ҳамкорлик, истиқболли режалар

электорат манфаатига хизмат қилаётир

Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, унинг вазифалари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу институтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кенгаймоқда. ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши “Роҳат” маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда “Маҳалла — миллий ва маънавий қадриятларни тиклашни таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти” мавзусидаги тадбирда шу хусусда сўз борди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини ва партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Маҳаллаларимиз ҳамиша чинакам миллий қадриятлар маскани бўлган, — деди партия туман кенгаши раиси Насрулло Назаров. — Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож одамлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши-ёмон кунда ҳам бир-бирига кўмакдош бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, аввалламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ҳамда ривожланган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини кучайтиришга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади.

Тадбирда шу каби вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сирдарё

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши “Соғлом она ва бола — соғлом жамият” мавзусида ташкил этган тадбирда мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассам.

Таъкидланганидек халқимиз ҳар доим барча орзу-интилишлари, ҳаётининг мазмуни ва ўз келажагини фарзандлари тақдирида кўради. Шу боис, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Партия Гулистон шаҳар кенгаши ўтказган мазкур тадбирда ҳам ана шу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди. Бу борада ЎзМТДП қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётгани, хусусан, хотин-қизларнинг маънавий савияси ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ҳар йили юзлаб иқтидорли хотин-қизларни кашф қилаётгани эътиборга молик. Тадбирда ёш авлодни оилани қадрлаш, асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Оилани ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари, оилавий маросимларнинг аҳамияти, бола саломатлиги — оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва комил инсон тарбияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Андижон

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши “Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Давлатимиз мустақил тараққиёт йўлида дунёнинг ҳавасини келтирадиган ютуқ ва марраларга эришмоқда, — деди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов. — Улар негизида юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт, тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар мужассам. Бугунги глобаллашув жараёни, ахборот хуружи авж олаётган даврда воқеликка зийраклик ҳамда теран мушоҳада билан қараш, жаҳонда ва ён-атрофимизда кузатилаётган мафкуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, ундан тегишли сабоқ чиқариб яшаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда бугунги тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етиш, мамлакатимиз ривожланишининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, миллий ғояга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш бугунги куннинг долзарб масаласи экани, бу ҳар бир партия ходимининг зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди. Бу навқирон авлоднинг маънавий иммунитетини ошириш, уларни ўз касбининг моҳир мутахассиси, ижтимоий-сиёсий фаол шахс сифатида вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд

ЎзМТДП Нуробод туман кенгаши “Аёллар қаноти” ташкил этган “Оналар ва болалар саломатлиги — давлат ҳимоясида” мавзусидаги тадбирда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасида ЎзМТДП ташкилотлари амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, тарғибот тадбирлари хусусида сўз юритилди.

— “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир, — деди партия туман кенгаши раиси Тўлқин Насриддинов. — Мазкур дастур ижросини таъминлашга барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Таъкидланганидек, халқимиз азалдан бўлажак она ва фарзанд саломатлигига унинг билим олиши ва касб эгаллашига, маънавий ахлоқий тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб келган. Бўлажак насл учун қайғуриш аждодларимиздан мерос эзгу амал. Ота-она соғлом бўлса, улардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом авлод эса она Ватан равнақи ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшади. Шу боис, жорий Соғлом она ва бола йилида партия ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга тарғибот тадбирлари сони ва сифатини ошириш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

Жиззах

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юртимиздаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари қатори маҳаллалар инфратузилмаси ҳам ривожланиб бораётир. Маҳаллалар партиямиздаги демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу ислоҳотлар бераётган самараларни Пахтакор туманидаги маҳаллалар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда “Маҳалла — миллий ва маънавий қадриятлар бешиги” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Тадбирда тақдим этилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш”, “Миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашда маҳалланинг ўрни” каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди партия туман кенгаши раиси Убайдулла Низомов. — Маърузаларда, айниқса, бу борада қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратдик. Тадбирга туманимиздаги тажрибали ҳуқуқшуносларнинг таклиф этилгани унинг янада қизғин ва савол-жавоб руҳида ўтишини таъминлади. Келажакда ана шундай тадбирларни туманимиздаги барча маҳаллада ўтказишни режалаштирганмиз.

Тадбир иштирокчилари оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳақида ўзаро фикр алмашдилар, бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ойдин НАСРИДДИНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

MILLIY TIKLANISH
16 (388) 2016 йил 27 апрель, чоршанба

Ташаббус натижа берди

Битта сессияда иккита масала

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан киритилган ҳар икки масала юзасидан халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши қарор қабул қилди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

✓ Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари жорий йилнинг биринчи чорагида 37 депутатлик сўровини амалга оширди

✓ Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро филиали томонидан 14 янги спорт мажмуаси қурилган

✓ Партия гуруҳининг ўрганишлари давомида Бухорода болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш соҳасида айрим камчиликлар ҳам аниқланди

Кенгайтирилган йиғилишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари раҳбарларига сусткашлик ҳамда бефарқликка барҳам бериш, жойларда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда электорат манфаатларига хизмат қиладиган ташаббус-масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Ўз-ўзини танқид фаолиятимиз жонланишига, айниқса, депутатларимизнинг фаол ҳаракат қилишига туртки берди, — дейди ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Абдулла Тўраев. — Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз бир қанча масалани сессиялар кун тартибига олиб чиқиш мақсадида тайёрлаб қўйишди. Бундай ҳолатни халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, 2016 йил 7 апрелда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XVI сессиясида ЎзМТДП гуруҳи 2 масалани сессия кун тартибига олиб чиқди. "Бухоро шаҳрининг археологик объектларини ва шаҳар ёшининг қадимийлигини янгидан ўрганиш тўғрисида"ги, "Вилоятда болалар спортини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги ҳар иккала ташаббус-масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Партия гуруҳи ташаббуси билан олиб чиқилган ҳар иккала масала ҳам сессияда қизғин муҳокама қилинди, иштирокчилар фикр-мулоҳазалари тингланди. Эътироф этилганидек, Бухоро шаҳри ва унинг ён-атрофида тепаликларга айланиб қолган 500 дан ортиқ қадимий ва ўрта асрларга тааллуқли қалъа, қўрғон ва шаҳар харобалари мавжуд. Биргина Пойкент қалъаси атрофида юзга яқин равот (қўноқ), яъни карвонсаройлар тепаликларга айланиб қолган. Уларни замонавий археология фани ютуқлари асосида ўрганиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Таъкидлаш жоиз, Пойкент, Варахша, Ромуш, Вардонзе, Учтилақдаги қазилма ишлари ҳали ўзининг якуний босқичига етгани йўқ. Бухоро шаҳри ва унинг ён-атрофидаги қалъаларда кенг микёсда археологик изланишлар олиб борадиган махсус экспедиция ташкил этиш зарурати мавжуд. Бунинг учун Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти, хорижлик қадимшунос олимлар ва маҳаллий мутахассисларни кенг жалб қилиш, уларнинг изчил ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим.

1993 йил ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ва табиий мероси, деб тан олинган "Бухоро тарихий маркази" ва бошқа моддий-маданий мерос объектларини консервациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш масалаларини ҳал этиш лозим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги "2020 йилгача Бухоро шаҳрининг маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервация ва реставрация қилиш ҳамда замонавий фойдаланиш учун мослаштириш бўйича Давлат дастури тўғрисида"ги, 2014 йил 21 июлдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Сессия қарорида ана шундай аниқ вазифалар яққол акс этгани эътиборга молик. Зеро, Юртбошимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" асарида таъкидланганидек: "Дунёда ҳеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади". Шу маънода қадим ва навқирон Бухоронинг ҳам илдизлари чуқур, ўтмиши буюк. Унинг қадим ва бой тарихини теран ўрганиш, мунтазам тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, тарих қатларидаги асл ҳақиқатларни кашф этиш ва рўёбга чиқариш биз авлодлар зиммасидаги улкан ва масъулиятли вазифадир.

Дилфуза ОМОНОВА,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Партия гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси, энг аввало, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини теран ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш сингари дастурий мақсад-вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. ЎзМТДП ғояси, дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг бўлган кўҳна ва боқий Бухоронинг қадимийлиги, унинг ҳали кашф этилмаган жиҳатларини илмий асосда ўрганиш долзарб вазифа саналади. Партия гуруҳимиз энди ана шу қарор ижросини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб боради.

Зокир САЛОМОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— ЎзМТДП вилоят кенгашининг ўтган йил сарҳисобига бағишланган йиғилишида партия гуруҳларининг фаолияти бўйича билдирилган танқидий фикрлардан, партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳимизнинг йиғилишини ўтказдик, келгусидаги вазифалар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқиладиган масалаларни белгилаб олдик, ишчи гуруҳи тузилди. Бу саъй-ҳаракатларимиз ўзининг дастлабки натижаларини бераётгани, албатта, қувонарли ҳол. "Вилоятда болалар спортини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги масала юзасидан ўрганишларимиз ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтгача Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан 14 янги спорт мажмуаси қурилиб, 60 умумтаълим мактабида спорт зали, иккита сузиш ҳавзаси капитал таъмирланган, 16 объект қайта реконструкция қилинган, 2 та ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилган. Аммо шу билан бирга, соҳада айрим камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Жумладан, Ромитан, Пешку, Шофиркон, Олот, Қоракўл, Ғиждувон туманларидаги айрим болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва объектларининг бинолари, муҳандислик тизимлари, яъни ичимлик суви ва электр тармоғи, иссиқлик тизими, канализация ҳолати қониқарсиз аҳволда. Баъзи объектларда спорт инвентарлари ва асбоб-ускуналари етарли эмас ёхуд талабга жавоб бермайди. Сессияда бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Айтиш жоиз, сессия қарори "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда миллий спорт турларини қайта тиклаш каби устувор вазифалар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Маннон ТЎХТАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун кучга кирди

Ҳисоб юритиш тизимининг ҳуқуқий асоси

янада такомиллашди

Жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқироз ва салбий тенденцияларга қарамасдан мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этиш, уларда илғор бошқарув усул ва услубларини жорий этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида молиявий бошқарув ва замонавий менежментнинг янги механизмларини жорий этиш асосида корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилаётир. Бу жараён, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобининг мукаммал юритилиши ва ишончли молиявий ҳисоботларни тақозо этади.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ҳисоб-китоб тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, соҳа билан боғлиқ қатор янги қонунлар қабул қилинди, мавжудлари такомиллаштирилди. Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ҳам қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, қабул қилинди ва уни яқинда Президентимиз тасдиқлади.

Янги таҳрирдаги қонунда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, асосий мақсади ва вазифалари иқтисодиётдаги замонавий ўзгаришлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўйилаётган янги талаблар ҳамда молиявий ҳисобот тузишнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисобининг миллий ҳамда халқаро стандартлар асосида тузиш ва эълон қилиш механизмлари қонун даражасида мустаҳкамланди. Амалдаги қонунда бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари фаолиятини тартибга солишга қаратилган аниқ меъёрлар мавжуд эмас эди. Шу боис, янги таҳрирдаги қонунга бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари мақоми ва унга қўйиладиган профессионал талабларни аниқловчи янги меъёрлар киритилди. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарига маълумоти, иш стажи, малака даражасини ошириш бўйича янги талаблар белгиланди. Ташкилот раҳбари билан бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари ўртасида ўзаро назоратни таъминлашга қаратилган янги нормалар киритилди.

Қонун бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ўртасидаги боғлиқликни белгилаш, ички ҳужжатлар айланишини мукаммаллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида қатор янги меъёрлар билан такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби соҳасида ички назоратни ташкил этиши ва амалга ошириши лозимлиги белгиланди. Ушбу назорат хўжалик операциялари тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, активларнинг бутлигини сақлаш, талон-тарож қилиш ҳоллари ва хатоликларни жойида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби субъекти ходимлари ўртасида жавобгарлик ва ваколатларни самарали тақсимлаш имкониятини таъминлайди. Хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тегишли моддаларга 10 дан ортиқ янги нормалар киритилди.

Хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддаларига 10 дан ортиқ янги нормалар киритилди.

Қонунда бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботни йилнинг ҳар чорагида, кичик корхона ва микрофирмалар эса бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалардан иборат ҳисоботни йилда бир марта тақдим этиши белгиланди.

Янги таҳрирдаги қонун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бухгалтерлар ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги янги меъёр билан тўлдирилди. Мазкур жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги қонунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил қилиш, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнларида юзага келаётган янги ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинди. Қонунда кўзда тутилган янги меъёр ва қоидаларнинг ҳаётга жорий этилиши иқтисодиётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада такомиллашувига, унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, соҳада иш сифатини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, хўжалик операцияларини тўғри амалга ошириш, активларнинг тўлиқ сақланиши, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишдаги хатолик ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилинишини таъминлайди.

Пировардида, бухгалтерия ҳисоби субъектларида бошқаришнинг иқтисодий дастак ва механизмлари янада мукаммаллашади, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ички бозорларимизни сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Бу эса партиямиз сайловолди Платформасида илгари сурилган миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар, хизматлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш каби мақсад-вазифаларга мос ва уйғундир.

Фракциямиз аъзолари энди жойларда янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган махсус семинарлар ташкил этиш, маҳаллий корхоналарда ходимларни молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрларига қўйилаётган қўшимча талаблар ҳамда ички назоратни ташкил қилиш бўйича малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларда фаол иштирок этиши лозим бўлади.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Назорат-таҳлил фаолияти

Ижтимоий шериклик муносабатлари

фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказган назорат-таҳлил якунлари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, прокуратура, суд, ички ишлар идоралари вакиллари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоятдаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясининг асосий тамойиллари билан йўғрилган, — деди Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов. — Мазкур қонун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро шериклик муносабатлари ва ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштирди. Қўмитамиз парламентнинг назорат функциясидан самарали фойдаланган ҳолда мазкур қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганди. Маълумки, жорий йилнинг 4 февраль куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз нутқ сўзлаб, мазкур вилоят, авваламбор, пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келиши, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканлиги, шунинг учун ҳам ҳудудни янада юқори ўринга кўтариш энг долзарб вазифа бўлиб қолишини таъкидлаган эди. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолияти, қонун ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Кенгайтирилган йиғилишда олиб борилган назорат-таҳлил ишлари якуни бўйича қўмита масъули ҳамда мазкур соҳадаги жараёнлар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосарининг ахборотлари тингланди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Тошкент вилоятида нодавлат нотижорат ташкилотлари сони йил сайин ортиб боряпти. Жумладан, вилоятда 1991 йилда атиги 13 ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 723 тани ташкил этмоқда. Мустақилликнинг илк даврига нисбатан вилоятдаги ННТлар сони 56 бараварга, сўнгги тўрт йил ичида эса 55 фоизга кўпайганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда 415 ННТ давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, қолган 308 таси ННТнинг ҳудудий бўлинмаларидир. Улар жами 16 соҳа бўйича аҳолига турли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилдан буён Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан грант танловлари ўтказиб келмоқда. Тошкент вилоятидаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам мазкур танловларда ўз лойиҳалари билан самарали иштирок этаётгани алоҳида эътироф этилди. Масалан, 2009 йилда 7 ННТ 8 лойиҳаси билан қатнашган ва уларнинг 3 таси ғолиб деб топилган бўлса, 2015 йилга келиб 63 лойиҳа билан қатнашган 58 ННТнинг 15 таси ғолиб бўлган. Молиялаштирилган лойиҳалар ННТларнинг фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобига ҳудуд аҳолиси, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Йиғилишда грант танловлари ғолиби бўлган ННТ вакиллари айни пайтда давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилган лойиҳалари асосида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлари, фаолияти борасида маълумот берди, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши, ҳокимлик, ҳудуддаги давлат бошқарув органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва тарғиб этишга қаратилган қатор ишларни амалга оширган. Жумладан, бу борада 40 дан ортиқ давра суҳбати, семинарлар ташкил этилиб, оммавий ахборот воситаларида 100 дан ортиқ мақола ва хабарлар чоп этилган.

— "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг 2015 йил 19 августдаги сессиясида 15 аъзодан иборат ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси таркиби шакллантирилди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, комиссия аъзоси Насиба Қорабоева. — Жамоат комиссияси таркибида вилоят Кенгашининг 5 депутати, жамоат ташкилотларидан 4, давлат бошқарув органларидан 3 вакил фаолият олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида ташкил этилган йиғилишларимизда комиссиянинг вазифалари, олиб бораётган ишлари муҳокама қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, назорат-таҳлил давомида вилоятда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг ижроси бўйича самарали ишлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш бўйича етарли тадбирлар ташкил этмаган. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида тузилган ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг фаолияти маҳаллий оммавий ахборот воситаларида етарли даражада ёритилмаган.

Кенгайтирилган йиғилишда назорат-таҳлил якунлари бўйича сўз олган иштирокчилар келгусида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг вилоятдаги ижросини таъминлаш, бу борадаги ишларни янада кучайтириш, камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қўмита аъзолари соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимига оид амалий таклифларини баён қилдилар. Йиғилиш сўнггида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури — амалда

Соғлом оила — мустаҳкам жамият асоси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан партия Тошкент вилоят ва Чиноз шаҳар кенгаши ҳамда республика "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, "Соғлом авлод учун" жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ходимлари, шифокорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ва ҳар томонлама соғлом янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишда ҳамкорлик қилишга қаратилди.

— Давлатимиз раҳбари жорий йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилгани зиммамиздаги маъсулиятни янада оширди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, партия сафига ташаббускор ва фаол хотин-қизларни жалб этиш, улар манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий ишлар кўламини янги босқичга кўтаришдан иборат. Зеро, бу ЎзМТДПнинг устувор вазифаси — "Оила соғлом бўлса, жамият ҳам мустаҳкамдир, жамият мустаҳкам

экан, мамлакат барқарордир" деган ҳаётий тамойилни амалга оширишга ҳисса қўшиши билан чамбарчас боғлиқ.

Анжуман доирасида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова "Оилада тиббий маданият" мавзусида маъруза қилиб, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ўғил-қизларни оила қуришга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, эҳтиёжманд оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Юртимизнинг деярли барча вилоятида она ва бола перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатаётир. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, қишлоқ врачлик пунктлари, кенг тармоқли оилавий поликлиникаларнинг самарали ишлаши натижасида, ҳатто, чекка қишлоқларда ҳам оналар ва болалар малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлаётир.

— Юртимиз келажаги бўлган ёшлар тақдири ҳақида қайғуриш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятларимиздан саналади, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан навқирон авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Келажак авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маънавий тахдидлардан асраш, спортни оммалаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ёшларни спортга кенг жалб қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказишни мақсад қилган.

Тадбир доирасида тиббий кўрик ташкил этилиб, ўндан ортиқ мутахассислик бўйича малакали шифокорлар томонидан аҳолига тегишли тиббий маслаҳатлар берилди, соғломлаштириш зарур бўлган беморларга даволаниш учун бепул йўлланмалар, дори-дармонлар тақдим этилди.

Якунда маърузачилар ва иштирокчилар билдирган таклиф ва тавсиялар асосида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Ҳамкорлик доирасидаги бу каби тадбирлар кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Насиба ҚОРАБОЕВА, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасидаги устувор мақсад-вазифалардан саналади. Жорий Соғлом она ва бола йилида болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот тадбирларини сифат ва сон жиҳатдан кўпайтириш, аҳоли, жумладан, хотин-қизларга амалдаги қонунлар, фармон ва қарорлар, Давлат дастури мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Бунинг учун партия "Аёллар қаноти" билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз, тадбирларга бўлажак оналарни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишимиз талаб этилади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ММММда

Замонавий дарсликлар — теран билим асоси

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан бошланғич синфлар учун босқичма-босқич янги чет тили дарсликмажмуалари нашр этилиб, таълим жараёнига татбиқ қилинмоқда. 2015-2016 ўқув йили учун 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган 641 минг нусха инглиз тили, 26 мингдан зиёд немис тили, 20 минг нусха француз тили дарслиги, машқ дафтарлари чоп этилди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги "Халқ таълими тизимида чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзусида матбуот анжуманида бу борада маълумот берилди.

Анжуманда халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги 8 минг 543 умумтаълим мактабида инглиз тили фани ўқитилади. 42 нафар энг яхши инглиз тили ўқитувчиси Буюк Британиянинг нуфузли университетларида малака оширди.

Матбуот анжуманида 4-синф ўқувчилари учун яратилган "Kids' English" ўқув дарслигининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Анжуман доирасида журналистлар учун медиа тур ташкил этилди.

— 2016-2017 ўқув йили учун тайёрланган "Kids' English 4", "Deutsch mit SpaB 4", "Hirondelle 4" дарсликлари тажриба-тадқиқот мактабларида синовдан ўтказилди, — дейди республика таълим маркази хорижий тиллар бўлими бошлиғи Хуршида Эшонхўжаева. — Анжуман иштирокчилари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида бўлиб, шаҳримизнинг 11 мактабидан ташриф буюрган тажрибали ўқитувчилар чет тили фанлари ўқитилиши, энг сўнгги педагогик технологиялар билан танишди. "Kids' English 4" китоби асосида ўтилаётган дарсларни кузатишди. Айни пайтда мазкур қўлланмалар билан самарали ишлаш методикасини фан ўқитувчиларига етказишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Малакали кадрлар

архив ишини янада ривожлантириш имконини беради

Миллий матбуот марказида "Ўзархив" агентлиги "Архивларда ва ноидоравий архивларда кадрлар масаласи: муаммо ва ечимлар" мавзусида матбуот анжуманиташкил қилди. Унда Ўзбекистон марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти архив иши бошқармалари ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда "Ўзархив" агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида замонавий илм-фан сирларини пухта ўзлаштирган етук кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Архив иши тўғрисидаги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори архив муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларга қулай шароит яратишда муҳим омил бўлаётир.

Тизимга ёш кадрларни жалб қилиш орқали архив сақловидаги ҳужжатларни электронлаштириш, мурожатларни тез ва сифатли аҳолига етказиб беришни таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Архив муасасаларини билимли ва малакали кадрлар билан таъминлаш, соҳа бўйича лавозимларини ошириб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими ҳақида маълумот берилди. Маънавий рағбат — уларни хорижий мамлакатларга ўқишга жўнатиш орқали тажрибасини ошириш ва хорижий тилларни мукаммал ўрганишларига кўмаклашишдир. Шунингдек, илмий фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган соҳанинг ёш ходимларига ҳам ёрдам берилмоқда.

Бугун республикада 103 давлат архиви, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги 110 идораларо шахсий таркиб архивлари, қарийб 9 мингга яқин идоравий архивлар фаолият кўрсатмоқда. Унда жами 1,4 мингдан зиёд ходим фаолият юритади. Уларнинг катта қисмини ёшлар ташкил этади.

Архив муасссасалари ҳамда архив иши ва иш юритиш йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 28 ўрта-махсус, касб-ҳунар коллежи, 4 олий ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Бухоро ва Наманган давлат университетлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу борадаги ишлар янада фаоллаштирилмоқда.

Архив иши ва иш юритиш соҳаси мутахассисларини соҳага оид билимларини ошириш мақсадида 2006 йилдан буён марказий давлат архивлари қошида "Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати" ҳамда "Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари" ўқув курслари фаолият юритмоқда. Уларнинг базасида бугунга қадар 3 мингдан ортиқ архивлар ва ташкилотларнинг ходимлари малакасини оширди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Шаҳбоз САИДОВ

Янги йўллар — янги имкониятлар

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жорий йилнинг биринчи чорагида Ангрен — Поп электрлаштирилган янги темир йўл линияси, Самарқанд — Бухоро ҳамда Навоий — Конимех — Мискин йўналишларида темир йўл қуриш ишларини жадал суръатларда олиб бормоқда. Ангрен — Поп электрлаштирилган янги темир йўл линияси доирасида барпо этилаётган туннелда бурғилаш, ковлаш ишлари тўлиқ тугатилди. Айни пайтда туннелда сўнгги пардозлаш ва пўлат излар ётқизиш, электрлаштириш ишлари давом эттирилаётир.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг 2016 йил биринчи чорак якунлари ва соҳада амалга оширилаётган йирик лойиҳалар" мавзусидаги анжуманда маълумот берилди.

Тадбирда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари Д.Деҳқонов ва бошқалар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвесттиция сиёсатини амалга оширишда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, иқтисодий барқарорликни таъминловчи кўрсаткичларнинг ўсиб бораётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида темир йўл тизимида 16,7 миллион тонна юк ташилган, бу эса, 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 100 минг тоннадан ортиқ. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йўловчи айланмаси ҳажми анча ошиб, 4,9 миллион йўловчи манзилига етказилган.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2016 йилда тизимда 41,98 миллиард сўмлик 43 лойиҳа режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида 12,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Инвестиция дастурига мувофиқ соҳада самарали ишлар амалга оширилди. Мазкур дастур асосида "Ўзбекистон темир йўллари"да молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 799,22 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган. Шундан жорий йилнинг январь – март ойларида жами 187,47 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағ ўзлаштирилган ва режа 100,5 фоизга бажарилган.

Матбуот анжуманида янги иш ўринларини яратиш, хусусан, коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Танлов

"Оилалар саодати — мустақиллик самараси"

партия ташкилотларида шу номдаги танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтди

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оилаларни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг замирида мустаҳкам оилалар орқали ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш, уларни юрт корига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялаш мақсади мужассам.

ЎзМТДП Термиз туман кенгаши "Аёллар қаноти" ташкил этган "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" мавзусидаги танловнинг туман босқичида шу хусусда сўз борди.

— Мамлакатимиз Конституциясининг оилага бағишланган алоҳида бобида "Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб эътироф этилган, — деди партия Термиз туман кенгаши раиси Соатмурод Назаров. — Мазкур конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Оила кодекси, қатор қонунлар, ҳукумат қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда янги йилга ном берилиши муносабати билан қабул қилган Давлат дастурида оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жорий Соғлом она ва бола йилида оилага муносабат янги босқичга кўтарилди. Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг меваси. Шу боис "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, унинг маънавий ва иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш асосий вазифага айланди.

"Оилалар саодати — мустақиллик самараси" танловини ўтказишдан асосий мақсад ҳам "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда ЎзМТДП мақсад-вазифаларини амалга ошириш, юртимизда истиқомат қилаётган, мустақиллик берган саодат туфайли бахту иқбол топаётган, ҳар томонлама ибратга лойиқ оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, уларни ёш оилаларга намуна сифатида кўрсатишдан иборат.

Танлов низомига асосан, оилалар тўрт шарт бўйича баҳслашдилар. Дастлабки шарт ўзини таништириш маҳорати бўлиб, унда оила тарихи ва таърифи келтирилди. Навбатдаги "Оила тинчлиги — юрт ободлиги" шартига кўра, оила аъзолари оилавий қадриятлар, миллий урф-одатлар ва анъаналарни акс эттирувчи саҳна кўринишини намойиш этди. Учинчи шартда Соғлом она ва бола йилига бағишланган лойиҳа, сўнгги шартда "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтининг роли" мавзусида билимлар синови бўлди.

Якуний натижаларга кўра "Учқизил" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Алланазаровлар оиласи ғолиб деб топилиб, "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

* * *

ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши ҳам шу мавзуда тадбир ташкил этди.

— Мамлакатимизда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилаётир, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анора Бобомуродова. — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш партия фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Бугунги кўрик-танлов ҳам партия дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг, уйғун бўлиб, оилаларда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини шакллантириш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни қарор топтириш ҳамда истеъдодли хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

Танловда Хатирчи туманида яшаб, барчага ибрат бўлаётган, намунали олти оила иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган оилаларни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ҳар томонлама соғлом янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилишдан иборат. Оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин, қўни-қўшни ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатли бўлишга эришиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳиллиқни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Баҳс-мунозарага бой, қизғин тарзда ўтган кўрик-танлов якунида иштирокчиларга партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий омиллар ўзгариб бораётган шароитда оила жамиятнинг ахлоқий асоси, маънавият ўчоғи, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш манбаи сифатида баркамол авлодни тарбиялашни таъминлайдиган муҳим ижтимоий институтдир.

ЎзМТДПнинг асосий мақсади ҳам оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, қадриятларини тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ҳар томонлама соғлом янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ишида ҳамкорлик қилиш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини кўпайтириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак авлодлар учун тарбия маскани. Зеро, оилада шакллган соғлом муҳит фаровон турмуш ва осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланмоғи лозим.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси
Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
16 (388) 2016 йил 27 апрель, чоршанба

Қарор ва ижро

Тил билганга — дунё кенг

бунда замонавий педагогика ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарали воситадир

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида келажакнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук, она Ватанга муҳаббат, бой маънавий меросимизни қадрлаш, миллий ғурур, ахлоқ ва маънавият, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Мазкур ислоҳотлар юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мустақил равишда фикрлаш ва йўл танлашга, истиқболли мақсадларни кўзлаш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлиги мустаҳкамланиши барорбарида ёшларимизнинг хорижий мамлакатлар ҳаёти, маданияти, урф-одати ва тилига бўлган қизиқишлари ҳам ортиб бормоқда. Бу жараёнда хорижий тил, айниқса, инглиз тилининг ўрни беқиёс.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда чет тили таълимини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни замон талабларига мос етук мутахассис этиб тайёрлаш, бу борадаги ишларни янги сифат босқичига кўтаришда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бу жараён, ўз навбатида, биз педагоглардан чет тили таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, дарсни ҳар томонлама пухта ташкил этиш, талабаларнинг билим-кўникмаларини ўзлаштиришнинг замонавий усулларини излаб топиш, дарснинг сифати ва самарадорлигини таъминловчи воситаларни қўллаш, керак бўлса, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашишни талаб этади.

Булар табиий равишда ўқувчиларнинг чет тилини ўрганиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг тил ўрганишга қизиқишини кучайтириш, хотирасини мустаҳкамлаш, ўз билимига ишонч каби кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитишда қўшимча манбалардан самарали фойдаланиш, ёрдамчи ўқув воситалари (кўргазмали қуроллар, турли расмлар, тарқатма материаллар, ўқитишнинг техник воситалари) кўмагида ўқувчиларнинг хорижий тилга қизиқиш ва муносабатини янада юксалтириш, ҳар бир дарсда ўқитишнинг интерфаол, ҳамда замонавий педагогик технологиялар ва ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Мактабларда хорижий тилларни ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услублари жорий этилмоқда. Турли тўгараклар фаолияти, дарсдан ташқари мунтазам қўшимча машғулотлар ўтиш йўлга қўйилган. Ахборот-ресурс марказида чет тилларни ўрганиш бўйича электрон адабиётлар каталоги шакллантирилган. Барча компьютер Интернетга уланган ёшларнинг тилларни пухта ўрганишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лицейда дарслар мулоқот тарзида, кўпроқ машқ-ўйин усулида олиб борилаётгани, хорижий тилларда намойиш этиладиган телекўрсатувлардан фойдаланиш ҳам яхши самара бераётир.

Ана шундай инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган дарс жараёнида ўқувчиларнинг чет тилига бўлган қизиқишлари ортиб, уларнинг мустақил ижодий ишлаш малака ва кўникмалари такомиллашиб боради. Натижада, ўқувчиларда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириш, нутқ маданиятини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Бугунги амалиёт анъанавий педагогикада инновацион технологиянинг муайян усуллари сифатида, масалан, Brain storming, case, zigzag, cluster, project, method каби турларини қўллаш яхши натижа бераётганини намоён этмоқда.

Чет тилларни ўргатишда, албатта, грамматикани ўргатишга йўналтирилади. Бироқ, интеллектуал салоҳият, ўзлаштириш, қабул қилиш, англаш ва хотира даражаси барча ўқувчида бир хил ривожланмайди. Кимдир эшитиш, биров ёзиш ёки ўқиш, яна кимдир фақат кўриш ва сўзлаш орқали яхши қабул қилади.

Шу боис юқорида таъкидланганидек, ҳар бир ўқувчига имкон қадар унинг салоҳиятидан келиб чиқиб индивидуал ёндашиш, ўзлаштириш, сингдириш, энг муҳими, оғзаки нутқни ривожлантиришнинг турли восита ва усулларидан унумли фойдаланиши зарур.

Бугунги ўқувчилар орасида чет тилини мукаммал биладиган, жаҳон адабиёти намуналарини таржима қиладиган, бир неча хорижий тилларни ўрганаётганлари кўп. Биз ўқитувчилар бундай ўқувчиларнинг чет тили фанига бўлган қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаб боришимиз керак.

Бу эса барча чет тили ўқитувчиларига ижодий изланиш, ўз малакасини амалий ва назарий жиҳатдан мунтазам бойитиб бориш, замон билан ҳамнафас бўлиш, дарслар давомида замонавий инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Азиза НОДИРОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейи инглиз тили фани ўқитувчиси

Миллий ғурур

Спорт — орзуларга қанот

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу билан у Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Давлатимиз раҳбарининг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик тез дунёга машҳур қила олмайди, деган фикрлари янграганида, мен ҳали ғўдак эдим, аммо спортчи бўлишимни орзу қилган дадам "бу сўзларнинг мағзини чақсанг, спортчи бўлганингдан ғурурланасан" дегани ҳали-ҳамон эсимда, — дейди Ёдгорой Мирзаева. — Дадам ҳақ бўлиб чиқди. Бугун бу пурмаъно фикр остида 2 миллиондан ортиқ ёшлар бирлашиб юқори чўққиларни забт этаётир. Телевизор орқали жаҳон ареналарида давлатимиз байроғи остида мағрур турган спортчиларни кўриб ҳавасим келар, қиз бола бўлсам-да, "катта бўлсам, албатта, спортчи бўламан" дердим. Қизларга хос бўлмаган спорт тури — боксга иштиёқим баландлигидан ота-онам аввалига хавотирга тушишди. Сўнг мусобақаларда эришган ютуқларим ва мураббийларимнинг менга билдирган ишончи таъсир қилдими, қўллаб-қувватлашди. Аввало биз ёшларга шундай шарт-шароитларни яратиб берган Юртбошимиздан, қолаверса, устоз-мураббийларимдан миннатдорман. Улар билдирган ишончни албатта, оқлашга ҳаракат қиламан.

Ёдгорой каби қизларимизнинг ютуқлари замирида 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси иш бошлагани, айниқса, қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилгани мужассам. Юртимизнинг шаҳару қишлоқлари кўркига кўрк бағишлаб турган муҳташам спорт иншоотлари ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда. Улар соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори ҳам ушбу эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида спортчиларимизнинг мазкур нуфузли спорт мусобақасига пухта ҳозирлик кўришига мустаҳкам замин яратди, — дейди Самарқанд вилоят бокс федерацияси ижрочи директори Баҳодир Ҳасанов. — Илгари қишлоқ ёшларининг қайсидир мусобақага бориши, ҳатто вилоят мусобақасида қатнашиши ҳам биз учун катта ютуқ бўлган. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни жисмоний-тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда улғайиши йўлида амалга оширилаётган ишлар туфайли спортчиларимиз ўзбек ёшлари нималарга қодирлигини халқаро миқёсда ҳам кенг намоён этаётир. Мустақиллик туфайли қишлоқ ёшларининг бундай ютуқлари оддий ҳолга айланганидан қувонмай, ҳайратланмай бўладими? Ёдгорой ҳам яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўзининг тиришқоқлиги, иродаси кучлилиги сабабли Олимпия ўйинларига йўлланма олган биринчи ўзбек боксчи қизи номига мушарраф бўлди. Ишончим комилки, унинг забт этажак марралари, юксак ғалабалари ҳали олдинда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланди. Бундай қувончли воқеаларнинг деярли ҳар куни бўлаётгани ўзбек спортининг жаҳон миқёсида юксак поғонага чиққанидан далолатдир. Бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмаслиги, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Президентимиз раҳнамолигида болалар спортига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом этиб вояга етказишдек эзгу мақсадларимиз амалга ошмоқда, — дейди Ёдгоройнинг онаси Вазира Нормуродова. — Яратиб берилаётган шароитлар самарасида минглаб ёшлар қаторида менинг фарзандим ҳам мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда юксак марраларга эришмоқда. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар камолоти йўлида яратилаётган шароитлар самарасидир.

Т. АЪЗАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар-тренинг

Табиий офатлардан ҳимоя

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида ташкил этди. Унда ЎзФА Сейсмология институти, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва бошқа кўплаб идоралар мутахассислари иштирок этди.

Бугун юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу жараёнда кўркам биноларнинг қурилишида уларнинг турли табиий ҳодисаларга чидамлилиги ҳам инобатга олинаётир.

— Мамлакатимизда биноларни мустаҳкам, зарурий қоида ва меъёрлар асосида қуришга устувор вазифа сифатида қаралади, — дейди Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Орипов. — Шунга қарамай, аҳолини ер силкиниш вақтида нималарга эътибор қаратиши борасида муҳим тушунчалар бериш зарур. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги қарори асосида тасдиқланган дастурга биноан мактаб, лицей ва коллежларда "Ёш қутқарувчи" клублари фаолият олиб бормоқда. Мазкур клублар иштирокида ҳар йили мусобақалар ўтказиб келинаётир.

Тадбирда таъкидланишича, айни пайтда мамлакатимиз олим ва мутахассислари биноларнинг зилзилага бардошлилигини янада оширишга қаратилган янги лойиҳалаштириш ва қурилиш концепциялари, техник ечимлар устида иш олиб бормоқда.

Семинар-тренинг доирасида Марказий Осиёда ягона зилзилаларни симуляция қилиш мажмуасига саёҳат уюштирилди, қутқарувчилар анжомлари ва махсус техникалар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Болажонлар маскани

Кичкинтойлар таълимига эътибор

Болаларнинг билим олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, уларнинг борлиқ, турли ўқув предметларига оид илк тасаввурлари, меҳнатсеверлик, тиришқоқлик, зукколик, фаоллик каби фазилатларининг қарор топишида мактабгача таълим масканларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини изчил ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар жараёнида узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини — мактабгача таълим босқичини сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узлуксиз таълимнинг ушбу бошланғич бўғинида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим концепцияси асосида олиб борилмоқда.

...Ҳар куни ишга келаётиб мадҳиямиз жарангини эшитарканман, бу яқин ўртада мактаб бўлса керак деб ўйлардим. Аммо кўксига жажжи қўлларини қўйиб мадҳия тинглаётган, ҳатто баъзилари ҳарбийларга хос қаддини ғоз тутганча қўшилиб айтаётган болажонларни кўриб ғурурланганимдан Мирзо Улуғбек туманининг Мустақиллик кўчасида жойлашган 419-мактабгача таълим муассасасига кирдим. Ям-яшил дарахтлар остидаги болажонлар ўйингоҳи, ўриндиқлар, эртак қаҳрамонларининг ҳайкалларини кўриб, ўзингизни эртаклар оламига тушгандек ҳис қиласиз. Мактабгача таълим муассасаси мудирасини болажонлар қуршовидан суҳбатга чорладик.

— Бошланғич таълим бўйича тарбиявий-маърифий ишлар тизими мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари учун ишлаб чиқилган "Болажон" таянч дастури асосида амалга оширилмоқда, — дейди мудира Наргиза Тожибоева. — Унда болаларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши, ижтимоий-эмоционал ривожланиши, гигиена, қўриш ва ёзишни ўрганишга оид дастлабки билим ва кўникмалар, атроф-оламни тушуниш ва унга оид билимлар ўрин олган. Математика, нутқ ўстириш, саводхонлик, атроф-муҳит ва табиат билан танишиш, мусиқий тарбия бўйича ўтказилаётган машғулотлар уларнинг дастлабки билимлари, онгу-тафаккури, мантиқий фикрлаши тўғри шакллашишига яқиндан кўмаклашади. Тасвирий санъатга оид машғулотлар лойдан буюмлар ясаш, расм чизиш сингари шаклларда йўлга қўйилган. Инглиз тилига оид дарслар болаларнинг хорижий тилларни ўрганишга доир билимини 5-7 ёшдан мустаҳкамлаб борса, жисмоний тарбия бўйича машқлар болалар ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб вояга етиши, уларда қатъият, ирода, ўзига бўлган ишончнинг янада кучайишига хизмат қилади.

Ушбу муассасада нутқ ўстириш, атроф-муҳит ва табиат билан танишишга оид машғулотларда кичкинтойларга мустақиллигимизнинг тимсоли бўлган давлатимиз рамзлари — мадҳиямиз, герби-миз ва байроғимизга оид дастлабки тушунчалар, юртимизнинг қадимий шаҳарлари, миллий маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома-ларимиз ҳақида таассуротлар қизиқарли ҳикоялар, фотосуратлар, турли фильмлар намойиши ёрдамида тушунтириб борилади.

Ҳали мактаб ёшига етмаган болакайнинг чет тилларида бийрон сўзлаши, ақл чархловчи синовларни бемалол бажара олиши ҳавас уйғотиши тайин. Малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда тўгарак машғулотлари олиб борилмоқда. Чет тили бўйича илк тушунчаларни МТМ масканида эгаллаган болалар мактаб дастурларини қийналмай ўзлаштиришлари мумкин. МТМдаги тарбия жараёнининг яна бир муҳим томони, бола дунёқарашини ривожлантириш, унинг "бу нима? нимадан ясалган? нега ҳар хил?" каби сон-саноқсиз саволларига оддий ва аниқ жавоб бериш, уларни эртаклар орқали эзгуликнинг барҳаёт, ёвузликнинг эса омонат эканлигини тушунтиришдек мезонлар билан белгиланади.

Наргиза опа билан суҳбатлашиш жараёнида гуруҳларга кирар эканмиз, зарур мебель, ўқув-услубий, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган хоналарда худди мактаб ўқувчиларидек ўтирган болажонларнинг расм чизаётгани, уларнинг жажжи қўлларидан тутганча ҳарф ёздираётган тарбиячилар ва ҳатто худди катталар каби шахмат доскасида рақибини қайси усул билан ютишни ўйлаётган болакайларни кўриб, ҳайратингиз ошади. Ахир, биз бу жараён билан фақатгина мактабда танишганмиз.

— Муассасамиз бола кўнглини тушуниш, уни тинглаш, у билан дўст тутиниш учун биринчи қадамдир, — дейди тарбиячи Шаҳзода Рихситиллаева. — Чунки мард, бир сўзли йигитлару, одоби-хулқига ҳавас қилгулик қизлар, энг аввало, ёнимизда улғаяди. Шу сабаб бу ерда ишловчи ходим болани яхши кўриши жуда муҳим. Ишлаш, изланиш учун эса бизда имкониятлар етарли. Болажонлар билан психологлар суҳбатлари, нутқий машқлар, мусиқа дарслари олиб борилади. Жисмоний тарбия йўриқчиси уларнинг жисмонан чиниқишини назорат қилади. Миллий қадриятлар асосида олиб борилган тадбирлар эса уларда миллий ва қадимий урф-одатларимизга ҳурмат туйғусининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишим керак: улар шаҳар миқёсида ўтказиладиган "Шахмат турнири" ва "Истиқлол юлдузчалари" кўрик-танловларида мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Оппоқ қоғозга аввал қалам билан чизиб олиб сўнг уни бўяшга тушган болакайнинг ёнига ўтирдим. Исми — Сарвар, 6 ёшда экан.

Болакай чизаётган суратига қизиқиш билан қараётганимизни кўрди-да: — Бу адрас, миллий матомиз, — деди. Сўнг қўшиб қўйди: унинг ёнидаги эса пахта — миллий бойлигимиз. Биз тез-тез расмлар чизамиз ва пластилиндан (лой билан ишлаш) ҳайвонлар ясаймиз. Менга кўпроқ камалак ва унинг ёнида ойим, дадам ва укамни чизиш ёқади. Чунки камалакда ҳар-хил ранглар бор ва оилам суратини чизишни жудаям яхши кўраман. Катта бўлиб, рассом бўлсам, албатта, Амир Темур бобомнинг суратларини чизаман.

Сарварнинг ўткир нигоҳлари, ўзи каби беғубор орзуларига ҳавасимиз келди. Гуруҳдаги бошқа болажонларнинг ҳам ижоди билан танишиш мақсадида улар чизган суратлар пештахтасига яқинлашдик.

— Болажонларимиз ҳар байрамга алоҳида тайёргарлик кўришади, — дейди тарбиячи Марина Умерова. — Аввалларида кўпроқ уй ҳайвонларини чизишарди. Улғайганлари сари шаҳарлар, автобуслар, дала ва гулзорларни ифодалашмоқда. Ҳатто бир-бирларига шаҳар номларини таништираётганликларини, катта бўлганларида самолётда турли мамлакатларга бормоқчи эканларини тинглаб, юзимга табассум югуради. Айниқса, мусаффо осмонда чарақлаб турган қуёш остида гуллар билан безатилган уйдаги оила тасвири мени қувонтиради. Тинч, осуда юрт фарзандларининг бахтиёрлиги улар чизган суратларда ҳам акс этмоқда...

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни кўриб шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканингдан ғурур туясан, киши. Сабаби, дунё билан беллашаётган, билими ва салоҳияти билан рақобатлашаётган ёшларимизнинг журъати, улар қалбидаги шижоат ҳавасга лойиқ. Болажонларимизнинг келажаги порлоқ бўлишини таъминлаш эса давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бундай улуғвор вазифаларни бажариш эртамизнинг муносиб ворисларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Шижоат ва анъаналар ғалабаси

Полвонлар миллий энциклопедияси жамияти Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилиб, Полвонлар миллий маркази деб аталди. Бу ҳақда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мустақиллик йилларида бой тарихий-маданий меросимиз, миллий урф-одатларимиз, ўлмас анъаналаримиз қайта тикланиб, халқимиз маънавияти ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Асрлар бўйи сақланиб келаётган миллий спорт ўйинларимиз ҳам бугун ёш авлод таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимизни болалигиданоқ спортга, хусусан, миллий спорт турларига кенг жалб этиш, шу орқали мустаҳкам иродали, қатъиятли ва жасур бўлиб камол топишларига замин яратиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, миллий спорт турларини янада оммалаштириш, ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар замирида ёшларнинг нафақат соғлом ва бақувват бўлиб улғайиши, балки халқимизнинг узоқ тарихга эга анъаналарига ҳурмат руҳида вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Бундан ташқари, ёшларда аждодларимиз билан фахрланиш, машҳур полвонларимиз тажрибасини ўрганиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина мисол: 2011 йилдан буён умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида "Сиз полвонларингизни биласизми?" республика танлови ўтказиб келинмоқда. Бугунга қадар уларда бир миллиондан ортиқ ўқувчи-ёшлар ва аҳоли вакиллари фаол иштирок этди.

Полвонлар миллий энциклопедияси жамиятининг Полвонлар миллий марказига айлантирилишидан кўзланган мақсад ҳам бу борадаги ишлар кўламини ошириш, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда мамлакатимиздаги спорт федерациялари фаолиятига кўмаклашишдан иборат.

— Бугун юртимизнинг барча ҳудудида замон талабларига мос замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун барча шароит яратилмоқда, — дейди Полвонлар миллий маркази раиси Норқули Юсупов. — Бунинг самарасини кун сайин сафи кенгаяётган қитъа ва жаҳон чемпионлари тимсолида ҳам кўриб турибмиз. Юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, собиқ тузум даврида номлари унутилиб кетган яккакурашнинг машҳур полвонлари номини тарихга муҳрлаш, аждодлардан қолган бой тарихий меросни ёшларимиз онгига сингдириш, шу орқали ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, ўзига ишонч, спортга муҳаббат туйғуларини уйғотиш каби эзгу мақсадлар йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон тарихида илк маротаба ҳар бир вилоятдан таниқли полвонлар таржимаи ҳоли тўпланган 14 жилдли "Полвонлар энциклопедияси" чоп этилиб, Ўзбекистон Миллий кутубхонасига топширилди. Унда шу давргача бўлган ўзбек миллий полвонлари фаолияти тўлиқ қамраб олинган.

Амалга оширилган йирик лойиҳалардан бири — "Қарабтеп" ўйини уч йил давомида тўлиқ ўрганилиб, илмий хулосалар асосида миллий спорт турига айлантирилди, қонун-қоидалари яратилди. Шунингдек, кураш, белбоғли кураш ва бел олиш курашларидан иборат "учкураш" спорт тури қайта тикланди. Бугунги кунда марказ миллий қадриятларга асосланган ғояларни кенг тарғиб қилиш, уни халқаро майдонда оммалаштириш, халқаро алоқаларни янада ривожлантиришни мақсад қилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири.

Бизнинг шарҳ

Жанубий Корея парламенти

унда ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизими асосида тўрт йил муддатга сайланадиган 300 депутат фаолият юритади

Корея Республикаси — Шарқий Осиёда, Корея ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган давлат. Кореяни шарқдан Япон денгизи, ғарбдан Сариқ денгиз ўраб олган. Жанубда Корея бўғози уни Японияндан ажратиб туради. Денгиз чегаралари 8,7 минг километрдан иборат. Пойтахти — Сэул шаҳри. Пул бирлиги — вон. Майдони 219,20 минг квадрат километр. Аҳолиси 50,22 миллион киши. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят ва унга тенглаштирилган 2 шаҳар (Сэул ва Пусан)дан иборат. Давлат бошлиғи — Президент.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент (Миллий Ассамблея) амалга оширади. Парламент депутатлари умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадиган 300 депутатдан иборат. Парламент аъзолари ўз ваколатини амалга ошираётган пайтда бошқа давлат лавозимларида фаолият юритиши мумкин эмас. Ҳеч қайси депутат парламент мажлисларида илгари сурилган фикрлари, берган овозлари учун жавобгарликка тортилиши, Миллий Ассамблея розилигисиз ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши мумкин эмас. Депутатлар фақат жиноят жойида қўлга олиниши мумкин.

Парламентнинг одатдаги сессиялари йилига бир марта чақирилади. Навбатдан ташқари сессиялар Президент ёки парламент аъзоларининг тўртдан бир қисми таклифи билан чақирилиши мумкин. Одатдаги сессия юз, навбатдан ташқари сессия эса ўттиз кундан ошмаслиги лозим. Агар навбатдан ташқари сессия Президент ташаббуси билан чақирилса, у сессиянинг муддати ва уни ўтказишдан мақсадни аниқ маълум қилиши лозим. Миллий Ассамблея депутатлари парламент спикери ва вице-спикерини сайлайди. Парламент сессиялари очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Бироқ айрим ҳолларда парламент аъзоларининг кўпчилик қисми ёки спикер ташаббуси билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Қонун лойиҳаларини парламент аъзолари ёки ижро ҳокимияти раҳбари илгари суриши мумкин. Миллий Ассамблея тасдиқлаган қонун лойиҳаси кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга тақдим этилади. Президент қонунни ўттиз кун ичида кўриб чиқиб имзолайди. Агар Президент қонун лойиҳасидан қониқмаса, ўз эътирозларини ёзма тарзда баён этган ҳолда уни қайта кўриб чиқиш учун парламентга қайтаришга ҳақли. Парламентга қайтган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан яна бир бор кўриб чиқилиши керак. Агар депутатларнинг камида ярми ҳозирлигида, уларнинг учдан икки ёки ундан ҳам кўп қисми қонунни ҳеч бир ўзгаришларсиз қайта маъқулласа, қонун қабул қилинган ҳисобланади. Ижро ҳокимияти раҳбари янги молиявий йил учун бюджет лойиҳасини шакллантиради ва уни парламентга тақдим этади. Бу лойиҳани янги молиявий йил бошланишига тўқсон кун қолганида парламентга тақдим этиши лозим. Миллий Ассамблея ушбу қонун лойиҳаси бўйича қарорни ўттиз кун ичида қабул қилиши шарт.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббусини парламент аъзоларининг кўпчилиги ҳамда Президент илгари суриш ҳуқуқига эга. Миллий Ассамблеянинг Конституцияга ўзгартиш киритиш бўйича қарори бу ҳақда омма хабардор қилинганидан сўнг, олтмиш кун ичида қабул қилиниши жоиз. Конституцияга ўзгартиш киритиш учун депутатлар корпусининг камида учдан икки қисми овоз бериши лозим. Парламентнинг Конституцияга киритган ўзгартишлари бўйича миллий референдум ўтказилади. Референдум Конституцияга ўзгартиш киритилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт. Конституцияга киритилган ўзгартишлар референдумда сайлов ҳуқуқига эга сайловчиларнинг камида ярми иштирок этиб, уларнинг кўпчилик қисми овоз берган тақдирда тасдиқланади.

Бош вазир, давлат кенгаши ёки ҳукумат вакиллари парламент ёки унинг қўмиталари мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Парламент талаби билан Бош вазир, давлат кенгаши ёки ҳукумат вакиллари парламентнинг у ёки бу мажлисида иштирок этади ва бериладиган саволларга жавоб қайтаради. Миллий Ассамблея ижро ҳокимияти раҳбари ёки давлат кенгаши аъзосини лавозимидан четлатиш юзасидан таклиф билдириш ваколатига эга. Бунда таклиф парламентнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан илгари сурилиши ҳамда депутатларнинг кўпчилиги бу таклифни ёқлаб овоз бериши лозим.

Миллий Ассамблея қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда ўз ички тартиб-қоидалари ва регламентини қабул қилади. Парламент ижро ҳокимияти раҳбари, давлат кенгаши аъзолари, вазирлар, Конституциявий суд судьялари, Марказий сайлов қўмитаси аъзолари, ҳисоб ва аудит комиссияси аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар ўз вазифаларини бажараётган пайтда Конституция ёки қонунга зид хатти-ҳаракат содир этган тақдирда уларга нисбатан импичмент (ишончсизлик) қўллаш чораларини кўриш ваколатига эга. Импичмент депутатлар корпусининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан илгари сурилиши лозим. Мазкур масалада қарор қабул қилиш учун депутатларнинг кўпчилиги овоз бериши зарур.

Корея Республикасида аралаш сайлов тизими қўлланилади. Депутатларнинг 246 нафари бир мандатли округлар, 54 нафари эса пропорционал сайлов тизими (партиялар рўйхати) асосида сайланади. Сайловгача 19 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. 25 ёшга тўлган фуқаролар парламент депутати этиб сайланиши мумкин. Бир мандатли округлар бўйича сайловда нисбатан кўпчиликнинг овозини қўлга киритган номзод ғалаба қозонади. Округлар бўйича номзодларнинг бирортаси ҳам сайловчиларнинг кўпроқ овозини қўлга кирита олмаса, у ҳолда ёши энг улуғ номзод ғолиб деб топилади.

Сайлов ва референдумнинг қонуний ва ҳаққоний ўтишини назорат қилиш, партиялар билан боғлиқ маъмурий масалаларни кўриб чиқиш учун сайлов қўмиталари тузилади. Марказий сайлов қўмитаси тўққиз кишидан иборат. Унинг уч нафарини Президент, яна уч нафарини эса Олий суднинг бош судьяси тайинлайди. Қўмитанинг қолган уч аъзосини парламент сайлайди. Қўмита аъзоларининг ваколат муддати — олти йил. Кўмита аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Сайлов кампаниялари сайлов қўмиталари бошчилигида олиб борилади. Марказий сайлов қўмитаси сайловолди ташвиқоти пайтида ҳар бир сиёсий партияга тенг имконият ва шароит яратиб беради.

Пропорционал сайлов тизими бўйича ҳар қандай сиёсий партиянинг парламент сайловига тақдим этадиган номзодларининг тенг ярми хотин-қизлардан иборат бўлиши шарт. Сиёсий партиялар бир мандатли округлар бўйича номзодларни илгари суришда хотин-қизлар уларнинг ўттиз фоизини ташкил этишига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, номзодларни сайловчилар ташаббускор гуруҳи ҳам илгари суриши мумкин. Бунинг учун 300 дан 500 гача фуқаро номзодни қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Фуқаролар фақат бир мандатли номзодларни илгари суриш ҳуқуқига эга. Қонунчиликда бирор-бир сиёсий партиянинг аъзоси мустақил номзод сифатида сайловда иштирок этиши ман этилади.

Мамлакат Конституциясида давлат кўппартиявийликни қўллаб-қувватлаши ва улар давлат ҳимоясида бўлиши белгиланган. Қолаверса, давлат қонунчиликда белгиланган тартибда уларни молиялаштиришга кўмаклашиши мумкин. Бироқ сиёсий партияларнинг мақсад ва фаолияти демократик тартибларга зид келган тақдирда ҳукумат Конституциявий суд орқали уларни тарқатиб юбориш ваколатига эга. Бундай ҳолатда сиёсий партиянинг фаолияти Конституциявий суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Жорий йилнинг 16 апрелида ўтказилган сўнгги парламент сайловидан сўнг шу чоққача Миллий Ассамблеяда энг кўп ўринга эга бўлган "Сэнури" партияси етакчилик мавқеини қўлдан бой берди. Сайлов натижаларига кўра, партия парламентдаги 300 мандатнинг 122 тасини қўлга киритди. Ваҳоланки, партия 2012 йилги парламент сайловида 152 ўринни қўлга киритиб, Миллий Ассамблеяда энг кўп ўринни эгаллаган эди. Мухолифатдаги "Тобуро" демократик партияси эса сайловда 123 ўринни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Шунингдек, Халқ партияси 38, Адолат партияси 6, мустақил депутатлар эса парламентдаги 11 ўринни банд этди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Иқлим битими имзоланди

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги штаб-квартирасида 170дан зиёд мамлакат иқлим ўзгаришлари бўйича Париж шартномасини имзолади. Бу ҳақда "euronews.com" хабар бермоқда.

Карбонад ангидрид ташланмасининг атмосферага чиқарилишини чеклашни назарда тутувчи мазкур битим матнини ўтган йилнинг декабрида Париж шаҳрида ўтказилган анжуманда иштирокчи давлатлар бир овоздан маъқуллаган эди.

Олимларнинг фикрича, атмосферага чиқариладиган карбонад ангидрид гази об-ҳавонинг кўтарилиши ва иқлим ўзгаришларига сабаб бўлади. Энди иштирокчи давлатлар Цельсий шкаласи бўйича об-ҳавони ўртача икки даражадан оширмаслик мажбуриятини зиммаларига олмоқда. Янги иқлим битими 2020 йилда Киото протоколи ўрнини эгаллайди.

"Қуёшли" самолёт муваффақиятли қўнди

Қуёш батареялари воситасида ҳаракатланувчи "Solar Impulse 2" самолёти Тинч океани устидаги уч кунлик парвоздан сўнг АҚШга қўнди.

21 апрелда Гавайи оролларидан ҳавога кўтарилган самолёт Калифорнияга қўниш учун Сан-Франциско шаҳридаги "Олтин дарвоза" кўприги устидан учиб ўтди. Гавайида охирги 9 ой давомида самолётнинг шикастланган қуёшли батареялари таъмирдан чиқарилган эди.

Эслатиб ўтамиз, "Solar Impulse 2" дунё бўйлаб саёҳатини 2015 йил 9 мартда Абу Даби аэропортидан бошлаганди. Бундан мақсад — қуёшли батареялар воситасида парвоз қилувчи самолётлар имкониятларини синовдан ўтказиш. Ўтган йилнинг июль ойи бошида Японияндан Гавайи оролларига томон парвоз қилган "қуёшли" самолёт парвоз давомийлиги ва масофанинг узунлиги бўйича рекорд ўрнатган эди. Ушанда самолёт 8 минг километрлик масофани 118 соатда босиб ўтган.

Юк ташувчи самокат

АҚШнинг "Nimble Scooters" компанияси "Urban" номли юк ташишга мўлжалланган самокат ихтиро қилди.

Унда 30х30 сантиметр ҳажмли юк учун махсус жой ажратилган. Самокат кўп жойни эгалламайди. Одатий ҳолатда узунлиги — 132, букилган ҳолатда эса — 86 сантиметр. Унинг юк ортишга мўлжалланган платформаси 23 килограммгача оғирликни кўтара олади. Рул қисмидаги тиргакда юкни ишончли маҳкамлаш ва боғлаш учун махсус арқонлар жойлаштирилган. Компания самокатнинг уч турдаги модификациясини тақдим этди. Асосий модель 149 доллар қийматида баҳоланмоқда. Велосипедли тиргак ва текис устундан иборат самокатни 229, саватча ва текис устунли кўринишдагисини эса 279 долларга харид қилиш мумкин.

Рангин дунё

Уч бинода жойлашган музей

Қадимда Рим шаҳрининг етти тепалиги бўлган. Улар орасида энг машҳури — Капитолий. Мазкур тепаликнинг шу ном билан аталувчи майдонида Палаццо сенатори (Сенаторлар саройи), Палаццо консерватори (Консерваторлар саройи), Палаццо нуово (Янги сарой) саройлари жойлашган. Бугун мазкур уч бинода Капитолий музейи фаолият юритади.

Музейнинг пайдо бўлиш тарихи ўша вақтдаги Рим папаси номи билан бевосита боғлиқ. У 1471 йилда Рим шаҳридаги Латеран саройида сақланган қадимий бронза буюмларни халқ мулки сифатида туҳфа этади. XVIII асрда Рим папаси Бенедикт XIV ҳам ноёб тасвирий санъат намуналарини тақдим этиб, музей коллекциясининг янада бойишига ҳисса қўшади. Бугунги Палаццо сенатори саройи ўрнида XII асргача давлат архиви — Табулариум фаолият юритган. Шу асрда унинг ўрнига сенаторлар мажлис ўтказадиган сарой бунёд этилади. Бироқ XVI асрда Рим папаси Павел III ўз даврининг машҳур меъмори Микеланжело Буанароттига Капитолий майдонини қайта лойиҳалаштиришни топширади. Лойиҳага кўра майдонда учта сарой ўрин эгаллаши, Сенаторлар саройи майдоннинг асосий иншоотти бўлиши керак эди. Шу тариқа 1573-1605 йилларда Капитолий майдонининг марказида машҳур Палаццо сенатори саройи қайта бунёд этилган. 1871 йилда сарой шаҳар маъмуриятига топширилади. Шу боис бугун унинг катта қисми сайёҳлар ташрифи учун ёпиб қўйилган. Фақат саройнинг қуйи қаватида Капитолий музейига тегишли айрим экспонатлар сақланади, холос.

Палаццо консерватори Капитолий майдонидаги Марк Аврелий ҳайкалининг ўнг томонида жойлашган. 1734 йилда мазкур сарой музей сифатида фуқаролар ташрифи учун очиб қўйилди. Шу боис у дунёдаги илк жамоатчилик музейи сифатида эътироф этилади. Мазкур бинода дунёга машҳур тарихий экспонатлар сақланади. Саройнинг илк биноси XV асрда Рим папаси Николай ташаббуси билан қурилган эди. Ушанда саройнинг ташқи томони ўн икки аркали бўлган. У қадар катта бўлмаган бинода ўша вақтда консерваторлар деб юритилган судьялар мажлис ўтказган. Шу боис бино Консерваторлар саройи деб аталган. XVI асрда Микеланжело Капитолий майдонини қайта лойиҳалаштиради: Сенаторлар саройидан ўнг томонда Консерваторлар саройининг янги биноси, унга қарама-қарши томонда худди шунга ўхшаш бино жойлашиши керак эди. Шу тариқа Консерваторлар саройи Микеланжело лойиҳаси асосида архитектор Жакомо делла Порта раҳбарлигида қурилди.

Палаццо консерватори залларидан бирида она бўри ҳайкали ўрнатилган. Қадимда ушбу ҳайкал адолат тимсоли ҳисобланган. Шу боис у Палаццо консерватори биносининг ташқарисида турган. Микеланжело бинони қайта лойиҳалаштиргач, у ичкарига олиб ўтилади. Мазкур ҳайкал эрамиздан аввалги V асрга оид. Бироқ 2006 йилда таниқли олим Анна Мария Карруба шов-шувга сабаб бўлган фикрни илгари сурди. Унинг фикрича, мазкур ҳайкал VIII-X асрлардан олдин ясалмаган. Олим бу фикрни Рим усталари бу даврда йирик ҳайкалларни бутунлигича қуя олмагани, улар буни қисмларга бўлиб амалга ошира олгани билан изоҳлади. Музейнинг Капитолий пинакотекаси залига 1748 йилда асос солинган. Бу ерда машҳур тасвирий санъат намуналари, хусусан, Рубенснинг "Ромул ва Рем", Диего Веласкаснинг "Номаълум портрет", Караваджонинг "Муқаддас Иоанн Баптист" сингари асарлари сақланади. Кастеллани залида XIX аср сўнггида коллекционер Аугусто Кастелланинг музейга тақдим этган тарихий экспонатлари жамланган. Коллекция эрамиздан аввалги VIII–IV асрларга оид қарийб 700 буюмни ўз ичига олади.

Капитолий майдонида қурилган сўнгги иншоот Палаццо нуово деб аталади. Бу италян тилида янги сарой маъносини англатади. 1571 йилдан бошлаб иншоотни Микеланжело лойиҳаси асосида қуришга киришилади. Қурилиш ишлари 1654 йилда якунланади. "Янги сарой" Палаццо консерватори саройининг қарама-қарши томонида, унга ўхшатиб қурилган. Бугун сарой ичида музей фаолият юритмоқда. Унинг ҳовлисида ноодатий тарзда ишланган Марфория фавворасини томоша қилиш мумкин. Бугун саройдаги қадимий топилмаларнинг аксарияти Палаццо консерваторида сақланган. Палаццо нуовонинг биринчи қаватида уч зал бор: биринчисида қадимий Миср даврига оид коллекциялар сақланади, чап томондаги хонада эса II асрга оид саркофаг ва бошқа топилмалар жойлаштирилган, чап томондаги залда эса шарқ маданиятига тегишли ноёб экспонатлар қўйилган. Бинонинг иккинчи қаватидаги галереяда ҳайкалларни томоша қилиш мумкин. Улар орасида, айниқса, қадимий Веллетри шаҳридан топилган Афина ҳайкали, император Марк Аврелийнинг бюсти диққатга сазовор. Императорларга бағишланган залда эса 65 Рим ҳукмдорининг бюсти хронологик тартибда жойлаштирилган. Шунингдек, бу ерда музейнинг энг қимматли экспонати — II асрга тааллуқли император Марк Аврелийнинг бронзадан ишланган ҳайкали жойлашган. У бахтли тасодиф туфайли бизгача етиб келган. Англашилмовчилик туфайли уни бир неча аср давомида илк насронийлар императори Константиннинг ҳайкали деб ҳисоблашган. Император ҳарбий кийимда тасвирланган. Ҳайкал 1538 йилда Капитолий майдонининг марказий қисмида ўрнатилган ва у асрлар давомида бу ерда савлат тўкиб турган. Бироқ ўтган асрнинг охирларида ҳайкал таъмирланиб, музей ичкарисига олиб ўтилади. Сабаби у қадимги Рим даврига оид, бутун ҳолатда сақланиб қолган императорнинг от устидаги ягона ҳайкали ҳисобланади. Бугун эса Капитолий майдонида ушбу ҳайкалнинг нусхаси ўрнатилган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
16 (388) 2016 йил 27 апрель, чоршанба

Эҳтиром

Барҳаёт наволар сеҳри

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳоновни билмайдиган одам бўлмаса керак. Айниқса, истиқлол даври замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатининг ривожланиш тарихи ҳақли равишда, бу шахс феномени билан боғлиқ. Ижодкорнинг асарлари миллий мусиқамизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Булар орасида бетимсол "Ишқида", "Табассум қилмадинг ҳеч", "Келса ногоҳ", "Боғим", "Ишқ ўти", "Эй, булбул" каби романслари, "Алишер Навоий" операси, "Алишер Навоийга қасида", "Абадий хотира" реквиеми, "Ибн Сино", "Мафтунингман" фильмларига яратган куй ва қўшиқлари маълум ҳамда машҳур. Композиторнинг жўрсиз хор учун мослаган ўзбек, қорақалпоқ, уйғур, афғон халқ қўшиқлари барчанинг кўнглидан жой олган бадиий асарлар саналади.

— Бу нодир истеъдод соҳибининг ширадор ва жозибали асарлари билан юртимизни дунёга танитишда хизматлари катта, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов. — Барча асари оригиналлиги, миллийлиги билан ажралиб туради. Ижодкорнинг тингловчи қалбига осон кириб борадиган куйлари, айни вақтнинг ўзида мураккаб ҳамдир. Чунки улар оҳангдорлиги билан инсон ички дунёсининг бойлиги, муаллифнинг нозик ва сезгир табиатини, ўй ва ҳис-туйғуларини ифода этади.

Ўзбек халқининг асл фарзанди Мутал Бурҳонов ҳаёт йўлининг дастлабки босқичи оғир ва қийинчиликлар билан тўла кечади, бироқ ана шундай шароитда ҳам композитор тинимсиз ўз устида ишлади ва баракали ижод қилди. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, буюк бастакор ижодида янги босқич бошланди. Табаррук 80 ёшли тўйини янги мусиқий асарлар билан кутиб олди. Абдураҳмон Жомийнинг дўсти Алишер Навоийга бағишлаб ёзган "Ширу шакар" шеърига қўшиқ, болалар хори учун "Ватан бизга меҳрибон" ҳамда акапелла хори учун "Бухорои Шариф" қўшиқларини яратди. Шу билан бирга Ўзбекистон мусиқаси тарихида биринчи бўлиб, яккахонлар, хор ва симфоник оркестр учун беш қисмдан иборат "Абадий хотира" реквием-марсиясини яратди. Бу асар қатағон йилларининг бегуноҳ қурбонларига аталган.

Устоз ижодида Алишер Навоий билан боғлиқ мавзу алоҳида ўрин эгаллайди. Улуғ шоир сиймоси композиторнинг асосий ижод мавзусига бир умр ҳамроҳлик қилди. Янги асар билан учрашув олдидан кишида ҳамиша қувонч, фавқулодда ҳодисани кутиш туйғуси яширинган бўлади. Агар шу асар билан танишувдан сўнг фикрлар ойдинлашса, қалб туғёнга келиб, инсонни эзгуликка чорласагина, ижодкор ўз мақсадига эришади. Композиторнинг турли ижодий даврларда яратилган мусиқа асарлари инсонлар қалбидан худди шундай жой олган.

— Устоз Мутал Бурҳоновнинг истеъдоди билан бирга, маънавий-ахлоқий фазилатлари юксалишида у вояга етган муҳит, зиёлилар билан яқин муносабатда бўлгани асқотган, — дейди шогирди Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедра мудири Аваз Мансуров. — Буни устознинг ўзи ҳам эътироф этган. Бастакор болалик хотираларини эслар экан, Фитратни яқиндан билганини, унинг уйига тез-тез бориб турганини айтади. Фитратнинг уйи Мутал ака учун ўзига хос дорилфунун бўлган. Бу уйда у Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон билан учрашган, Шарқ мусиқасининг ҳақиқий гўзаллигини кашф этган, унинг бениҳоя рангларга бой, битмас-туганмас бир хазина эканига ишонч ҳосил қилган. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкентнинг машҳур хонандалари, созандалари ва мусиқашунослари билан учрашиб, улардан кўп нарса ўрганган.

Дастлаб, амакиси Мукаммил Бурҳоновдан, кейин машҳур танбурчи Ота Ғиёс Абдуғанидан танбур чертишни ўрганган. Мутал ака ноёб истеъдод эгаси эди. Буни Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтидаги Ота Жалол Носиров, Абдуқодир Исмоилов, Абдураҳмон Умаров сингари кўплаб устозлар дарҳол сезган ва у билан жиддий ишлай бошлашган. Эҳтимол, улар табиатан оддий ва камтарин бўлган бу йигит орадан йиллар ўтиб, ўзбек мусиқаси ривожига салмоқли ҳисса қўшишини, уни янги жанрлар билан бойитишини ўша вақтдаёқ илғагандир?!.

Бастакорнинг "Кўнгил хазинаси" китобида Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг яратилиши тарихи ҳақида шундай дейилади: "Ватан туйғуси, Ватан мадҳияси... бу тушунчалар муштарак, бир-бировига уйғунлашиб кетган. Ватанни мадҳ этиш, уни улуғлаш ҳар бир инсон қалбидан ўрин олиши керак... Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Давлат мадҳияси янгича, истиқлол руҳида кун тартибига қўйилди. Муҳокама ва тортишувлардан кейин, мен ёзган мадҳияни ҳам танловга киритишди. Меҳнатлар зое кетмади. Мусиқанинг ярмига келганда олқишлар бошланди"...

Мутал Бурҳонов асарларининг фазилатларидан бири — миллийлик. Устоз рус ва Европа мумтоз мусиқаси анъаналари асосида теран миллий руҳ билан суғорилган асарлар яратган. Миллий руҳ фақат мусиқий тилда эмас, балки асар мазмунида ҳам, образларнинг характер мантиқида ҳам, халқ руҳининг тасвирида ҳам ёрқин кўринади. Шу маънода, атоқли бастакор асарларида тафаккур ва ҳиссиёт муштараклигини сезиш мумкин.

Президентимиз Мутал Бурҳоновнинг миллий мусиқа санъати, маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини муносиб тақдирлади: бастакор кўксини "Меҳнат шуҳрати", "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун" орденлари безади.

Бу йил буюк композитор Мутал Бурҳонов таваллудига 100 йил тўлади. У мустақил давлатимиз мадҳиясининг муаллифи ва кўплаб бетимсол асарлари билан санъат ихлосмандлари хотирасида абадий қолди. Зеро, таниқли бастакорнинг ижоди навқирон авлод қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қадрият

Миллий матоларимиз

замонавий либослар кўринишида

Миллий либос — ҳар бир халқнинг анъана ва маданиятининг рамзи. Миллатнинг кўп асрлик тарихи, фалсафаси ва менталитетини ўзида ифода этадиган либослар мамлакатнинг табиий-иқлим шароити, ҳудуд аҳолисининг дидига мос равишда тикилади. Бой тарихга эга ўзбек миллий либослари эса бичими, шакли, рангларининг уйғунлиги, матолари хилма-хиллиги, нафислиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ва уларни халқаро бозорга чиқариш соҳадаги муҳим масалалардан биридир. Буларни эътиборга олган модельерларимиз корхоналарда янги намунадаги маҳсулотларда ўз ғояларини мужассамлаштириб, замонавий либослар яратмоқда. Уларнинг аксарияти халқаро фестивалларда намойиш этилаётир.

Ана шундай дизайнерлардан бири Мадина Азизхўжаева билан суҳбатлашиш ниятида унинг корхонасига ташриф буюрдик. Атлас, адрас, беқасам сингари миллий матолардан тикилган либослар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Гўзал ва ранг-баранг либосларни кўриб, қўли гул чеварнинг маҳоратига тан берасан, киши. Ижодкорни қизғин иш жараёнида учратар эканмиз, унинг ижодга бўлган меҳри, ғайрати, шижоатини кўриб мода ва дизайн соҳасига кириб келиши, фаолиятини даставвал нимадан бошлагани хусусида қизиқдик.

— Ўзим шифокорлар оиласида таваллуд топганман, — дейди Мадина Азизхўжаева. — Уйимизда ҳам фақат шу соҳага оид китоблар бўлар эди. Мен эса бўш вақтимни кўпинча қўшнимизнинг уйида ўтказар эдим. Сабаби, қўшнимиз тиккан хушбичим либосларни эгнига кийиб шодланаётган аёлларга ҳавасим келарди. Қизиқиш устунлик қилиб аввал қўғирчоқларимга кийимлар тика бошладим. Мақсадим дизайнер бўлиш эди. Аммо у пайтлар дизайнерлик соҳасига унчалик эътибор йўқлиги сабабли бошқа касб танладим. Орзуим — оддий тикувчи эмас, ҳунарманд бўлиш, ижод намуналарим билан жаҳон кезиш ва, албатта, миллий матоларимиз бошқа халқларникидан ҳеч ҳам кам эмаслигини кўз-кўз қилиш эди. Аввалига шарқшунослик, кейин эса ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича ўқиб, ўзим севган иш билан шуғулланолмадим.

Мустақиллик менга орзуларим рўёбга чиқишида улкан имкониятлар эшигини очди. Бундан беҳад бахтиёрман. Айниқса, мамлакатимизда "Ҳунарманд" уюшмасининг ташкил этилиши ғайратимга ғайрат қўшди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, уй шароитида халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари учун катта имконият ва имтиёзлар берилди. Таваккал қилдим-да, илк тикув машинасини сотиб олдим. Бугун эса ўз корхонамиз, талай тикув машиналаримиз бор. Бугун мен каби кўплаб дизайнерлар жаҳон саҳналарига миллий матоларимизни олиб чиқмоқда. Улар орасида ёшларни кўриб, тўғриси, жуда қувонаман, ҳавасим келади. Боиси бир пайтлар шундай имконият бўлмаган-да. Айни пайтда юртимизда биз каби ижодкорлар учун яратилган қулай муҳит, имконият ва имтиёзлар мени янада самарали ижод қилишга ундайди.

Жаҳон иқтисодиётининг алоҳида соҳаси бўлган мода саноати мамлакатимизда ҳам жадал ривожланиб бораётир. Ўзбекистонлик юзлаб модельерлар ўз ғоялари асосида янги моделлар яратмоқда. Дизайнер яратган тўпламларни томоша қиларканмиз, адрас, атласдан тикилган миллий либослар билан бирга спорт кийимлари диққатимизни тортди. Адрасдан бундай бичимдаги либослар тикилиши мумкинлиги ҳатто бироз эриш туюлди.

— Миллий матоларимиздан, одатда кўйлак, кофта-юбка, чакмон ёки костюмлар тикилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Биз биринчилардан бўлиб миллий матоларимиздан кундалик ва спорт либослари тикиб, аёлларимизга тақдим этдик. Тўғри, аввалига ҳадиксирадик. Ижтимоий тармоқларда саҳифамизни очиб, унда ўз коллекциямизни реклама қилишни бошладик. Барча фаслга мўлжалланган коллекциямизни нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам илиқ кутиб олишди. Айниқса, россиялик сайёҳлар атайлаб келиб миллий либосларимиздан олиб кетишди. Тайёрлаган маҳсулотларимиз хорижликларга ҳам манзур бўлганидан ғурурланиб шуни айта оламанки, бугун либосларимизни нафақат Марказий Осиё, балки Европада ҳам кийишмоқда. Сабаби, улар — экологик тоза, сифатли ва чўнтакбоп.

Мадина Азизхўжаеванинг турли услубдаги либослар, шарқона колорит, ранглар ва анъаналар элементлари акс этган бежирим ижод намуналари жаҳоннинг кўплаб мода ҳафталикларида иштирок этган.

— Ноёб нақш ва ранглар билан безатилган либосларимиз ўзининг жозибали кўриниши, ёрқин нақшлари билан халқаро миқёсда ҳам барчанинг диққатини тортишини, дунё бозорига янада чуқур кириб боришини жуда истайман, — дейди М. Азизхўжаева. — Бу жараёнда юртимиз дизайнерлари олдида миллий ва замонавий услубларни мужассам этган либосларни яратишдек муҳим вазифа турибди.

Бугун мамлакатимизда миллий ҳунармандлигимизни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам миллий ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларни, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш вазифаси белгиланган. Бу эса ҳунармандларимизга янги имкониятлар яратишда яқиндан ёрдам беради.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ортиқча вазнда фойдали

Бодринг — қовоқгуллилар оиласига мансуб бир йиллик сабзавот. Мевасида С витамини, сув, қанд ва минерал тузлар, эфир мойи бор. Бодринг кўклигича, тузланган ва консерва ҳолида истеъмол қилинади. Шарбати тиббиётда дори-дармон сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда селекция йўли билан яхшиланган кечпишар, палаги узун, барги ўртача "Марғилон 822" нави кўпроқ етиштирилади.

Бодринг — кам калорияли сабзавот. Унинг 100 граммида бор-йўғи 16 килокалория мавжуд. Бириктирувчи тўқималарга эгалиги сабабли уни истеъмол қилган киши ўзини тез тўйгандай ҳис қилади. Шу сабаб бодринг қўшиб тайёрланган ҳар қандай салат — парҳез асоси. Бодринг таркибидаги тартран кислотаси модда алмашинувини яхшилайди, баданда углеводларнинг ёққа айланиб, йиғилишининг олдини олади. Бу эса ортиқча вазндан халос бўлишда ёрдам беради. Бодринг таркибида сув кўп, шу сабаб чанқоқни босиш хусусиятига ҳам эга. Бодринг мағзи таркиби бириктирувчи моддага бой бўлгани сабабли ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, тановул қилинган овқатдаги ёғнинг баданга сўрилишини камайтиради. Бодринг танадаги зарарли моддаларни чиқариб юбориш, пешоб йўлларини ювиш, холестерин миқдорини камайтириш, тўқималарни керакли сув миқдори билан тўлдиришда беназир воситадир. Шу боис бодрингдан диетология (парҳезшунослик)да киши вазнини енгиллатишда кенг фойдаланилади.

Вазнни енгиллатиш мақсадида қўлланадиган парҳезни даладаги бодринг пишиғи мавсумида ҳафтасига бир кун амалга ошириш мумкин. Чунки иссиқхоналарда етиштирилган бодрингда кимёвий қўшимчалар кўпроқ бўлади. Ортиқча вазндан халос бўлиш мақсадидаги парҳезни ният қилган киши кун давомида 1,5 килограмм бодрингни 5-6 маҳал пўстлоғи билан истеъмол қилиши мақсадга мувофиқ. Уни истеъмол қилишдан олдин тозалаб ювиш лозим: мақсад — унинг устидаги тупроқ, ўғит ва бошқа ортиқча нарсалардан тозалаш. Истеъмол қилинадиган салатнинг бир хиллиги кўнгилга урмаслиги учун унга ҳар хил кўкатлар, жумладан, петрушка, шивит ва кашнич тўғраб қўшиш мумкин. Салат устига ярим ош қошиғида зайтун ёки ўсимлик ёғидан қўшиш етарли. Ҳазми яхшироқ бўлиши учун салат устига лимон шарбатидан таъбга қараб бир неча томчи қўшиш тавсия этилади. Уни туз қўшмасдан истеъмол қилган маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

● Учиш пайтида қуш юраги дақиқасига қарийб 960, сониясига 16 марта уради. Ҳордиқ пайтида бу кўрсаткич дақиқасига 400 мартага тенг.

● Янги Зеландияда олимларга маълум ягона қанотсиз қуш — киви яшайди. Унинг нафақат қаноти, балки думи ҳам йўқ. Патлари ўрнини эса жун эгаллаган холос. Агар ички аъзолари тузилиши ва тумшуғини ҳисобга олмаса, уни қушлар қаторига киритмаса ҳам бўлади. Сабаби у ўзини тутиши ва ташқи кўринишидан қушга асло ўхшамайди.

ТУРФА ОЛАМ

Ҳам велосипед, ҳам автомобиль

Швециялик ихтирочи Микаэль Кельман ҳам автомобиль, ҳам велосипед вазифасини бажарадиган "PodRide"ни ихтиро қилди.

"PodRide" корпусга эга тўрт ғилдиракли велосипед бўлиб, бир ўринли автомобилга ўхшайди. Корпус ҳайдовчини ноқулай об-ҳаво шароитидан асрайди. Веломобиль педаллар ёрдамида ҳаракатланади. Бундан ташқари, электр двигатель билан ҳам таъминланган. Кельманнинг айтишича, "PodRide" соатига 60 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. У ҳақиқий автомобиль каби кенг юкхонага эга.

Мувозанат сақловчи ногиронлар аравачаси

Янги зелландиялик дизайнер Кевин Ҳалсалл ногиронлар учун ўз мувозанатини сақлаган ҳолда ҳаракатланадиган "Ogo" деб номланган ғилдиракли курси ишлаб чиқди.

"Ogo" ногиронлар аравачасини тана ҳаракатлари ёрдамида бошқариш мумкин.

Кевин "Ogo"ни анъанавий ногиронлар аравачасидан фойдаланишга қийналган дўстига ёрдам бериш учун яратган. Ихтиро муаллифи бир неча йил давомида мустақил равишда турли ногиронлар аравачалари тузилишини ўрганиб, ушбу моделни ишлаб чиқди. "Ogo" курсисининг тана ҳаракатлари асосида бошқарилиши умрининг катта қисмини ўтириб ёки ётиб ўтказишга мажбур бўладиган одамларнинг мушакларига фойдалидир. Айни пайтда хоҳловчилар "Ogo" аравачасини "Indiegogo" лойиҳаси доирасида минг доллар тўлаб буюртма бериши мумкин. 2017 йилнинг сентябридан бошлаб аравачаларни оммавий сотиш режалаштирилмоқда.

Моҳларой КОМИЛОВА тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 425, Адади — 9821. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Тўмарис БУТУНБОЕВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.50.
ЎзА якуни — 02.20.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345